

“АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ...”

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяркан, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев адолат тамойилини ислохотларнинг бош мезони сифатида танлади. Мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини энг олий қадрият сифатида рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар даврида мутафаккир шоирнинг ҳулосалари ҳар қачонгидан ҳаётий ва долзарб бўлиб қолмоқда. Маълум бўладики, жамиятдаги эзгу ниятли кучларни ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи ушбу қадрият миллий давлатчилигимиз тафаккурида муҳим ўрин эгаллайди. Эндиги вазифа — мазкур маънавий-ҳуқуқий қадриятни ҳаёт тарзимизнинг бош мезонига айлантириш, ҳар бир ишда адолат тамойилига риоя этиш. Ана шунда ҳазрат Алишер Навоийнинг руҳи биздан шод, ҳаётимиз ва кўнглимиз обод бўлади.

ТАҲРИРИЯТДАН

Ҳамма Вақтдан кўрқади, Вақт эса Миср эҳромларидан, деган нақл бор. Назаримда, Мир Алишер Навоий ҳазратларининг шахсияти ва ижодига ҳам аини шу таъриф тўла-тўкис мос тушади. Олти асрга яқин муддат мобайнида кишилик жамиятининг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий жабҳаларида кўп ўзгариш ва эврилишлар юз берди. Аммо ҳанузгача башарият фарзандлари ҳазрат Навоий яратган буюк маънавий мероснинг моҳиятини тўла англаб олганча йўқ. ХХI аср одамлари Алишер Навоий яшаган даврга кўра каррасига кўпроқ роҳат ва фароғатда, фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Аммо маънавий поклик, руҳий юксалиш масаласида улуг бобокалонимиз эришган даражалар биз учун шунчаки қўл етмас оруз бўлиб қолмоқда.

Ижодкорларнинг тақдири ижод жараёни каби турфа ва хилма-хил кечади. Тарихда Умар Хайём каби улуг шоирлар ўтганки, ҳаётлиги даврида кўпчилик ҳатто уларнинг бадийий ижод билан шуғулланишидан ҳам беҳабар эди. Аммо вафотидан кейин улар дунёнинг энг машҳур шоирларидан бирига айланиб, ёзган байту ғазаллари тилларда дoston бўлади. Яна бир тоифа қаламкашлар борки, ҳаётлик пайтида барча унвону мансаб, эътибор ва эҳтиромга сазовор бўлишади. Аммо улар ёзган битикларнинг умри ўзларининг умрларидан ҳам қисқарoқ бўлади.

Алишер Навоий шу маънода бахтли шоир эди: унинг ижоди ҳаётлиги пайтидаёқ Ҳожа Аҳрор Валий, Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий каби замонасининг энг улуг мутафаккирлари эътирофига сазовор бўлди. Вафотидан кейин ҳам бутун башарият унинг беназир

шахсияти ва бебаҳо илмий-ижодий меросига буюк муҳаббат, эҳтиром ила муносабатда бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида салтанатлар, тузум ва тутумлар неча бор алмашди. Аммо Навоийнинг маънавий мероси барча сиёсат ва раёсатлардан баланд туриб, кишиларни одамийликнинг мунаввар манзилларига чорловчи, меҳр-муҳаббат, шафқат ва муруват, вафо ва садоқатнинг толмас ҳудайчиси бўлиб қолаверди.

Нафсиламрини айтганда, шу чоқ-қача Алишер Навоийнинг меросини омма-лаштириш бўйича салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган бўлса ҳамки, унинг шахсиятини тўғри ва тўлақонли англаш йўлидаги изланишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳаליгача Навоий деганда собиқ совет даврида суратга олинган бадийий фильм таъсирида Ҳусайн Бойқаро билан қиз талашган, унга қарши курашавериб анча эрта мункиллаб қолган нуруний мўйсафидини тасаввур этиб юрамиз. Бугунги даврда матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали таралаётган қўшқаватли таъриф-тавсифлар таъсирида ёшларимиз Навоийни одам боласи яқинлашиши мумкин бўлмаган маънавий чўққи, таъбир жоиз бўлса, бир топинч — бутга ўхшатишади. Ҳолбуки, Алишер Навоий ўзининг истеъдодини катта меҳнат ва машаққатлар билан, соф ният ва чексиз ғайрат билан камолга етказиб, буюкликнинг асрори — оддийлик, одамийликда эканлини ўз ҳаёти мисолида исботлаган доно маслаҳатгўй, холис ёрдамчи, чин дўст ва донишманд муаллимдир. Унинг ҳаёт йўли ва маслак-матлабини тўғри ва тушунарли тилда етказиш бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарб бўлиб қолмоқда.

Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутати. Улуг шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Алишер Навоий ҳам бошқа мутафаккирлар қатори асосан олам ва одам, ҳаёт ва ўлим, Яратган ва яратик каби умумбашарий ва барча давру замон учун муҳим бўлган муаммолар устида тараннум этса, баъзан салтанат аҳлининг ғоялари билан йўғрилган фикрлари ва умумлашмалари бошқа мумтоз мутафаккирларнинг қарашлари билан ҳамоҳанг бўлиши баробарида, муҳим бир хусусияти билан алоҳида ажралиб туради — унинг ижтимоий ҳаёт, инсон ва жамият, олам ва одам табиати ҳақидаги ҳулосалари шахсий тажрибалар, ҳаётий кузатувлар асосида шаклланган. Бошқача қилиб айтганда, Навоийнинг фикрлари ўта ҳаётий, амалиёт билан кўпроқ уйғундир. Давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тогган, турли-туман одамлар билан мулоқот қилиб, турфа синовларни бошидан кечирган ва гоҳида жуда қimmatга тушган тажрибаларини гўзал бадийий тилда ифодалаган донишманд Навоийнинг фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Айниқса, адолат мавзуси Навоий ижодининг ўқ томирини ташкил этади, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз. Ижтимоий ҳаёт барқарорлигининг бирламчи

шарти адолат эканига ўз ҳаёти давомида бот-бот имон келтирган мутафаккир турли шакл ва йўсинда адл ва инсофнинг васфини келтиради — гоҳида икки ёрнинг дўстлик йўлидаги фидойилиги мисолида тараннум этса, баъзан салтанат аҳлининг ҳаётини ибрат ўларoқ мисол келтиради. Кези келганда рамзий-тамсиллий ҳикоялар воситасида адолатнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилса, айрим ҳолларда ишқий мисралар орқали ҳам адолат ҳикматиини ўқтиради.

Мутафаккир шоирнинг ақидасига кўра, адолат — тенгсизлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан иборат бўлиб, давлат арбоблари зиммасидаги энг катта масъулиятдир. Айниқса, мулозимлар билан муносабатда мўътадиллик ва меъерни улушаш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир инсон ўзгалар билан муносабатини ўзининг жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳамда бунинг эвазига оладиган улушини таққослаш орқали баҳолайди. Ушбу нисбат бўйича жамият олий, ўрта ва қули табақаларга бўлинади. Эпошлардан эса, мазкур ижтимоий иерархияни тўғри таснифлаган ҳолда, улуг даражали одамларга мартабасига яраша ҳурмат ва иззат берди, энди мансаб пиллапояларига

қадам қўйган ёшларга муруват ва масъулият билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Бекларга навкар каби, навкарга эса беклар сингари муносабатда бўлиш бир хил хатарлидир. Бирида бек ранжиб, хавфли душманга айланса, иккинчи ҳолатда навкар ўз ҳаддини унутиб, нодон дўст каби билиб-билмай зарар келтириши мумкин. Ўрта бўғиндаги мулозимлар билан ҳам ўртача муносабатда бўлиш тўғри йўл ҳисобланади. Айни шу ҳолат, яъни ҳар бир кишига ўз салоҳияти, иқтидори ва нуфузига қараб муомала қилиш адолатнинг бирламчи шартидир:

Керак қилса, улким тилар шоҳлиқ,
Сипах борча ҳолидин огоҳлиқ.

Улуққа улуқча ато айласа —
Кичикка кичикча саҳо айласа.

Ким этса васатлиқ йўлинда зуҳур,
Анга тузса ойини “хайрил-умур”.

Не тутса улугғи қошида кичик,
Не қилса кичикни улуг чарғалиқ.

(“Садди Искандарий”, 28-бoб.)

(Давоми 3-саҳифада) ➤

ТАДҚИҚОТ

“НАВОИЙ ЁМОН БЎЛСА, СЕН ЯХШИ БЎЛ...”

1. НАВО ВА БЕНАВОЛИК

Сўз — ўта тилсимли ҳодиса. У жуда жўн бўлиши ҳам, ниҳоятда мураккаб, қатма-қат маъноли бўлиши ҳам мумкин. Сўзнинг кейинги хусусияти ибора ва жумлаларнинг маъносини яна ҳам мураккаблаштириши табиий. Адабиёт сўз санъати сифатида нутқнинг бу хусусиятидан унумли фойдаланади, мўъжизалар яратади. Айниқ-са, Навоий шеърляти.

Унинг ижодий меросида муҳим ўрин тутувчи сўзлардан бири — “наво”. Шу қадар муҳимки, бу сўзнинг мумтоз адабиётда навобахш, навогоҳ, навозанда, наво-соз, навосиз, бенаво каби ўндан зиёд ҳосилалари мунтазам қўлланган.

“Наво” сўзининг ўзи ҳам кўп маъноли. Мисол учун, улардан бири Марказий Осиё архитектурасида арка маъносига эга, яна бири уй жиҳозларини билдиради. Бугунги ўзбек тилида бу сўз қуй, қўшиқ маъносини англатади, холос. Бу таассуфга лойиқ ҳол. Зотан, қуй, қўшиқ “наво” сўзининг энг туб маъноси ҳам эмас, энг муҳим маъноси ҳам эмас.

Мисол учун, Навоийнинг “Маснавий” асаридаги мана бу байтни олайлик:

Не бир аҳли давлатдин онча умид
Ки, андин наво топса бир ноумид.

Унда Абулқосим вафотидан сўнг Хуросонда юзага келган танг аҳвол тилга олинган. Бу байтда “наво” деган-да нима кўзда тутилган? Равшанки, асло мусиқа эмас.

(Давоми 4-саҳифада) ➤

МУМТОЗ АДАБИЁТ

БОБУР — НАВОИЙШУНОС

Алишер Навоийнинг кичик замондоши, айтиш мумкинки, Навоийни энг теран ва аниқ англаган зотлардан бири, шубҳасиз, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У ҳам тарихчи, ҳам шоир, ҳам мунаққид, ҳам адабиёт тарихчиси ўларoқ Навоий даҳосига кўпроқ ва аниқроқ яқинлашган.

Аввало, Бобур иккинчи қатла Самарқандни фатҳ этганда (1500 йил) Ҳиротдан шахсан Навоийдан табрик мактуби олади. Бу ҳақда унинг ўзи “Вақоёъ”(Бобурнома)сида зикр этган. Афсуски, худди шу ўринда бу руқъа(хат)ни кейинчалик талотўпларда йўқотиб қўйганини надомат билан эслаган.

Демак, Амир Алишербек бу даврда теуирийлар салтанатининг келажаги сифатида Бобур мирзога умид билан кўз тиккан, у ҳақда улуг муждаларда бўлган. Бобур ўз шижоати ва мардоналиги билан бутун Мо-вароуннаҳр ҳамда Хуросон юқори давраларида тилга тушган, давр арбобларининг диққат-эътиборида бўлган.

(Давоми 5-саҳифада) ➤

ХУШҲАБАР

“БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ” ТУРК ТИЛИДА

Ҳазрат Алишер Навоий ўз давридаёқ оламшумул ғоялар тараннум этилган гўзал ва бебаҳо асарлари билан элларни, улусларни бирлаштириб, Ҳиротдан то Хуросонга қадар якқалам айлаган эди. Эътиборли жиҳати, орадан беш асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, мутафаккир аждодимизнинг улкан маънавий мероси ҳамон ўзининг сеҳри ва жозибаси билан миллионлаб адабиёт мухлисларининг кўнглини мунаввар қилиб келмоқда. Шу боис ҳам Алишер Навоий асарлари мунтазам ра-вишда хорижий тилларга таржима қилиниб, дунё халқлари томонидан севиб ўқилмоқда. Сўнгги йилларда улуг шоирнинг шоҳ асари – “Ҳамса” мажмуаси қардош қозoқ ва озарбайжон тиллари-да чоп этилгани ҳам шундан далoлат беради.

Ҳеч шубҳасиз, 2021 йили Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муҳтарам Президентимизнинг қарори асосида юртимизда кенг нишонлангани маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Ана шу тарихий ҳужжатда буюк алломанинг нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихи ва адабий-эстетик тафаккури ривожида алоҳида ўрин тутадиган беназир ижодий меросини янада кенгроқ ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида бир қанча вазифалар белгилаб берилган эди. Хусусан, Алишер Навоий асарларини ҳар томонлама тадқиқ этиш, ноёб қўлёзмаларининг танқидий матн ва факсимиль нусхаларини тайёрлаш, уларни хорижий тилларга таржима қилишга устувор аҳамият қаратилди.

(Давоми 2-саҳифада) ➤




ҲУСАЙНИЙНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАСИ

Лаъли жонбахшиндин айру оби ҳайвонни нетай?
Ҳар дам ар юз жон берур, жононасиэ жонни нетай?
Гар эмас манзур юзинг, хуру филмонни нетай?
Гулшани кўнунгдин айру боғи ризвонни нетай?
Бошимга гар гул сочар, сенсиз гулафшонни нетай?

Ҳажри андуҳида то гулшан аро қилдим гузар,
Сарв бўйи қоматинингн нахлидин берди хабар,
Лекин онинг васлидин не баҳра топдим, не самар,
Нахли қаддин чун эмас гирён кўзумда жилвагар,
Жўйбор атрофида сарви хиромонни нетай?

Жисму жонни истамон, биллаҳки, жонондан жудо,
Кўрсанг ул маҳвашни, ҳолим арз этиб айт, эй сабо,
Лек зинҳор оллида бу навъ қилгайсен адо,
Ул итинга бўлмаса тўйма наволингда фидо,
Заъфлиқ пайкарни найлай, нотаовон жонни нетай?

Бир дам, эй аҳбoб, ҳар сори қошимдан кетмангиз,
Ҳарнаким дерман, муважжаҳ бўлмаса, зшитмангиз,
Буки дерман чехрадин қонлиғ ёшим оритмангиз,





“БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ” ТУРК ТИЛИДА

(Бошланиш 1-саҳифада)

Орадан ўтган қисқа вақт ичида бу йўналишда бир қатор натижаларга эришилди. Мисол учун, иктидорли навоийшунос Юсуф Турсунов томонидан Алишер Навоийнинг “Муншаот”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарларининг танқидий матни, таъбири ва факсимиль наشري юзга чикарилган бўлса, туркиялик ҳамкорлар билан шоир асарларини ушбу мамлакатда нашр этиш бўйича изланишлар олиб борилди. Ана шундай сайй-ҳаракатлар натижасида яқинда Туркияда “Бадоеъ ул-бидоя” асарининг танқидий матни ва факсимиль наشري дунё юзини кўрди. Бу иш Истанбул маданият институти профессори Воҳит Турк ҳамда Туркия кўлэзма асарлар бошқонлиги билан ҳамкорликда амалга оширилди.


Эътиборли жиҳати, ушбу китоб Туркия Республикаси Президенти Ражаб Таййип Эрдоғанининг сўзбошиси билан чоп этилди. Унда кейинги йилларда қардош Туркия ва Ўзбекистон мамлакатлари ўртасида илмий, маданий-гуманитар ҳамкорликлар жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани алоҳида қайд этилиб, Алишер Навоий меросининг туркий дунё тамаддунидаги, маънавий ҳаётидаги ўрнига юксак баҳо берилган.

Туркияда нашр этиш учун айнан ушбу кўлэзманинг танлангани бежиз эмас. Алишер Навоий билан бир даврда яшаб ижод қилган Султонли Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий каби машҳур хаттотларнинг номлари кўпчиликка яхши таниш. Улар орасида Али ибн Нурнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Юқорида тилга олинган асар кўлэзмаси 1486 йилда айнан хаттот Али ибн Нур томонидан Ҳиротда китобат қилинган. “Бадоеъ ул-бидоя” асарига Алишер Навоийнинг ўзи томонидан тартиб берилгани, шоир ҳаёлиги пайтида Ҳиротда китобат қилингани унинг қимматини оширади. Яъни катта эҳтимол билан Алишер Навоий бу кўлэзamani кўрган, ундан хабардор бўлган.

Бугунги кунгача мазкур девоннинг Париж, Лондон, Тейхрон, Боку, Истанбул, Тошкент, Тейхрон II нусхалари фанга маълум. Ушбу нусхалар орасида Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида 216-рақам остида сакланайтган “Бадоеъ ул-бидоя” нусхаси алоҳида ажралиб туради.

Мазкур нашр орқали туркиялик китобхонлар Алишер Навоий ижоди, “Бадоеъ ул-бидоя”нинг ёзилишидан кўзланган мақсад, унинг тузилиши, девон тартиб бериш анъаналари ҳақида бой маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Чунки ушбу нашрда асар кўлэзмасидаги мумтоз жанрларга хос бўлган хусусиятлар сақлаб қолинган. Ҳар бир намунадан сўнг аруз вазнининг қайси баҳрида ёзилгани ҳақида маълумот тақдим этилган. Китобдан мухтасар тадқиқот-муқаддима, танқидий матн ва кўлэзманинг факсимили ҳам ўрин олган. Шубҳасиз, бу нашр туркиялик олим ва тадқиқотчилар учун Алишер Навоий меросини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Кези келганда, мана шундай муҳим лойиҳани муваффақиятли амалга оширишда яқиндан ёрдам берган Туркия кўлэзма асарлар бошқонлиги



ҳамда ўзининг ўттиз беш йиллик умрини Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва таржима қилишга бағишлаган таниқли навоийшунос олим Воҳит Туркка алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Ўйлаймизки, бундай ҳамкорликлар келгусида ҳам изчил давом этади. Адабиётшунос олимлардан бири Алишер Навоийни “Туркий адабиётининг пойтахти” деган эди. Бу таърифда заррача муболага йўқ. Чунки буюк мутафаккир аждодимизнинг бадиий, фалсафий, илмий жиҳатдан мукаммал асарлари барчамизнинг онгимиз ва тафаккуримизга, шууримизга куч-қувват берадиган, инсонларни, халқларни бирлаштирадиган ўзига хос маънавий макон вазифасини ҳам ўтайди. Биз бугун ана шу ҳақиқатни янада чуқурроқ англаб етмоқдамиз.

Дилноза РУСТАМОВА,

Алишер Навоий номидаги

Давлат адабиёт музейи таянч докторанти

DAVR RUHI

Бугун — Алишер Навоий таваллуд толган кун муносабати билан унинг Астана шаҳрида қад ростлаган ҳайкали пойига илк марта гуллар қўйилади ва бу муҳташам ёдгорлик атрофида адабиёт муҳлислари жам бўлиб, мутафаккирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида суҳбат қуради.

2022 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари учрашувида Астана шаҳрида Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатиш бўйича қарор қабул қилинган ва ўтган 2023 йилнинг август ойида — юртимиз Мустақиллик куни байрами арафасида ушбу ёдгорлик қад ростлаган эди. Қозоғистон пойтахтининг марказий кўчалардан бирида ўрнатилган, баландлиги тўрт метрдан зиёд Алишер Навоий ҳайкалини Ўзбекистон халқ rassomi, ҳайкалтарош Жасвант Анназаров ишлаган.

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАЪНАВИЯТИНИНГ ОЛТИН УСТУНИ

Таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга ривожланиб бораётган ўзбек-қозоқ адабий ҳамкорлиги асосида икки халқнинг буюк мутафаккирлари — Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асрлар синовидан ўтган асарларини таржима қилиш кутлуғ ишлар сирасидандир. Жумладан, ўтган йили буюк бобомизнинг “Хамса” сига киритилган достонлари қозоқ тилида нашр этилди. Умрининг қирқ йиллиги Алишер Навоий асарларини қозоқ тилига таржима қилишга сарфлаган шоир ва таржимон, Қозоғистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби Несиббек Аитули Навоий шахрига келганда қалб сўзларини шундай баён этган эди:

“Мен ёшлигимдан Навоийнинг “Хамса” сини таржима қилиб келаман. Илк таржима қилган достоним “Садди Искандарий” 1989 йили Олмаотадаги “Жазуши” нашриётида нашр этилди. 2008 йилга келиб қайта босилди. 2019 йили “Лайли ва Мажнун” достони билан бирга “Хамса” номида яна қайта нашрдан чиқди. Бунгача, 1991 йили Навоийнинг бир неча ғазаллари менинг таржимамда “Баҳо гули” тўпламида чиқди. Ҳозир “Фарҳод ва Ширин” достонининг таржимасини ажунлаяман. “Хамса”нинг бошқа достонларини ҳам таржима қилишга киришдим. “Хамса”даги барча достонларни тўлиқ таржима қилиб, улуг шоирнинг муқаддас руҳини шод этишни орзу қиламан! Менга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш, буюк шоир номи билан аталган Навоий шахрининг фахрий фуқароси бўлиш бахти буюрди”.



Ўзбек китобхонлари орасида ҳам қардош қозоқ адиблари ижодига қизиқиш кучайиб бормоқда. Алишер Навоийни ўзига устоз билган буюк қозоқ адиби Абай ижодини ўрганиш, асарларини ўзбек тилига ўтириш борасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, Тошкент шахрининг марказий кўчаларидан бирига қозоқ адабиёти асосчиси Абай Қўнонбоев ҳайкали ўрнатилди. Ўзбекистон Президентининг “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида” ги қарорига асосан буюк шоир тугилган сана — 10 август куни Абай Қўнонбоев ҳайкали пойида мушоира ва бошқа кўплаб тадбирлар уюштирилади. “Абай асарларининг билимдон” иншоолар қурик-танловини ўтказиш аъяна тусини олди. Абай асарларини ўзбек тилига таржима қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда ҳамда унинг “Сайланма”, “Тарбия китоби” тўпламлари ўзбек тилида нашр этилди.

Бугун мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг Токио, Шанхай, Вашингтон, Москва, Минск, Боку, Мозори Шариф, Ўш, Душанбе, Сеул каби шаҳарларда қад ростлаган ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилади, ғазаллари ўқилади. Шундай пайтларда ҳазратнинг муборак сатрлари ёдимизга тушади:

Олибмен тахту фармонимга осон,

Черик чекмай Хитодин то Хоросон.

Ҳуמוюн АКБАРОВ

ЗАМОН ЖАДИДЛАРИ

У мактабни қайтадан қурди ҳисоб. Ярим асрдан бери таъмир қўрмаган илм маскани янги замон жадидининг ҳиммати билан нуфузли мактаблар қаторига кирди. У нақд етти миллиард сўм ажратди мактаб таъмирига. Бундай саховатнинг сабаби — шу мактабда ҳарф танигани, шу даргоҳда таълим олгани. Қанийди, ўзи ўқиган мактабини обод қилган Исроил Юнусов каби жўмардлар кўпайса, маърифат фидолари сони ортса... Қанийди ҳар қайси мактаб раҳбари Зиёда Ҳайдарова каби ҳар ишнинг қаловини топса...

Ҳаммаси 2018 йилнинг сентябрида бошланди. Мактаб биносининг ночор аҳволга келиб қолганидан “ёгани танига сингмаётган” Зиёда шу масканда таълим олган сармоядорлар рўйхатини тузди. Ниёти давлатманддан пул ундириш эмас, тўқиламан, деб турган таълим даргоҳини таъмирлаш учун ҳашар уюштириш эди.

— Айланиб-ўргилиб 1991 йил битирувчиси, “REAL HOUSE” компанияси таъсисчиси Исроил Юнусовнинг олдиға бордим, — дейди у. “Сиз шу мактабда ўқигансиз, мен эса директорман. Мактаб анча эскириб қолган. Бироз кутсам-ку, давлат дастурига қиради. Лекин сабрим чидамай кетаяпти. Ўқувчиларим янги, шинам, замонавий мактабда



ўқисам, дейман. Ёрдам қилсангиз яхши бўларди. Мен мактабимни республиканинг манамен деган илм ўчоғига айлантирмоқчиман”, дедим. Исроил ака: “Жуда яхши ўйлабсиз-да. Менинг олдимга “уй қуриб бер”, “тўйимга

тўғри келармиди?.. “Майли, ишни бошланг” дейишгани билан, ўқувчилар у ёқдан-бу ёққа сарсон қилинса-ю, ҳомий берадиган пул тўхтаб қолса-чи?..

У индамай ёзги таътилни кутди. Ўқувчилар таътилга

чиққан куниеқ ҳашарчиларни йиғди. Имтиҳонларга халақит қилмаган ҳолда таъмир ишлари бошланди. Тадбиркор мард келди: 200 нафар ишчини ишга солди. Энг қизик жойи шунда бошланди. Чунки 200 нафар ишчини ош-овқат билан таъминлаш керак-ку. Зиёда ташлаб қўйган рўйхатини яна кўлига олди. Бутун маҳаллага эълон қилди: “Мактабимизни қайтадан қурамиз, ҳар ким қўлидан келган ёрдамчини аямасин”. Ота-оналарни йиғиб: “Бу сизнинг болаларингиз учун. Фарзандларингиз тоза, чиройли жойларда ўқисин”, деди. Лекин ҳар ким бу гапни ҳар хил тушунди. “Уч ойда тўрт қаватли жойни қайта қуриб бўлармиди?” деганлар болаларининг ҳужжатини олиб, бошқа мактабга топширди. Зиёда мактаб ҳовлисига катта дошқозон-ўчоқ ўрнатиб, кунини ҳам, тунини ҳам шу ерда ўтказса бошлади. Ишан раҳбарнинг жонига маҳалласи ҳам ора кирди. Биров битта кўйни сўйиб келтирса, бошқа биров товук, қурка гўшти олиб келиб, шўрва қайнатади. “Бор — борица, йўқ — ҳолича” деганларидай, ким тўртта нон, ким бир коса сузма кўтариб чиқди.

— Биз шунчалар оқибатли миллат эканмизки, айтсам ишонмайсиз, — дея кўзлари ёшланди унинг. — Бир оила бор. Ўртаҳол, турмуш шароити оғирроқ. Бир кун и бир кило помидор билан бир кило бодринг олиб чиқибди. Қўйсангиз-чи, сиз нега бундай қилдингиз десам, “Зиёдахон, катта ишнинг бошдасиз. Қўлимдан бошқаси келмайди. Ҳеч бўлмаса, усталар шуни тўғраб ейишади-ку, деб илдиндим. Қўрмаганга олиб ўтиришга уялдим”, деди. Ахир, бун и нутиб бўладими?!

Бу орада ҳомий Исроил Юнусов шунчасини қилдим, бу ёғини ўзи эпласин, деб қараб ўтирмади. Вақт топиб, “ҳорманлар”га қараб турди. Бир неча бор ишнинг қандай кетаётганидан хабар олиш баробарида машинасини тўлдириб бозор-учар қилиб келтирди.

— Ниҳоят, учинчи сентябрь куни мактабни очадиган бўлди. Тўқсон кунда битди ишимиз. Бино тўлиқ таъмирланди. Иситиш тизимини ташқи ва ички қувурлари алмаштирилиб, изоляция қилинди. Исроил Юнусов охирида яна бир савоб амалга қўл урди: ҳовлига экиш учун манзарали дарахтлару гул кўчатлари келтириб берди. У кишини дуо қила-қила экдик. Мактабни тadbирга тайёрладик. Ҳаёлимда ҳамма кўргани келадигандай. Болаларининг ҳужжатларини олиб кетганлар қайтиб келишди. Бола сизга кетди мактабга. Ҳар бир ўқувчинини элчини қарши олгандай кутиб олдим. Ҳар бирининг кўзидаги ҳайрат ва севинч кўнглимни тоғдай кўтарди. Ич-ичимдан бутун бир мактабнинг ўқитувчи ўқувчисига шундай катта бахтиёрлик улашган “REAL HOUSE” таъсисчисига раҳматлар айтдим. “Яхшиям бу инсон шу мактабда ўқиган экан”, дейман ичимда.

Зиёда ҳовлидаги иссиқхонани, тузламалар тайёрлашга мўлжалланган ертўла-омборни, экобони, 200 кишилик

ошхонани, 150 ўринли фаоллар залини, шаҳар ҳокимлиги томонидан янгича тус берилган спорт майдонларини, телефонлар қўйиладиган гардеробларни, жадидалар бурчаги, хуллас, ҳамма-ҳаммасини кўрсатди.

Бугун у бошқараётган 81-мактабда ўқувчи сони яна мингтага кўпайиб, 1900 нафарга етган бўлса, уларга 87



нафар тажрибали устозлар сабоқ бермоқда. Мактаб унинг сайй-ҳаракатлари билан математика фанига ихтисослаштирилган. Энг қувонарлиси, таъмир таълимга ҳам ижобий таъсир ўтказди. Мактаб халқаро фан олимпиадаларига 2020 йили аниқ фанлар бўйича бир нафар ўқувчи чиқарган бўлса, 2023 йилда кимё фанидан бешта медални қўлга киритди. Ўқувчиларнинг илм олиши, ўқитувчиларнинг фаолият юритиши учун барқарор муҳит яратилди. Халқаро доирада ўтказилган “Eco-schools Uzbekistan” лойиҳасида ғолиб бўлиб, Экологик таълим жамғармасининг (FEE) “7 қадам” дастури бўйича олий мукофот — Яшил байроқ билан тақдирланди.

Бу муваффақиятларнинг асоси бор, албатта. Тиниб-тинчимеган мактаб раҳбари қаерда билим ва салоҳияти юқори ўқитувчи борлигини билса, ўзига чорлади. Иш сўраб келган ёшлардан, қайси фан ўқитувчиси бўлишидан қатъи назар, ишга ижодий ёндашишини талаб қилди. Унинг мактабида бугун Ўзбекистон халқ ўқитувчисидан тортиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси азозсизгача бор.

қўйдим. Секин-аста эришяпман шунга. Ҳали ишларимдан қониққанам йўқ. Ҳали олдинда белгиллаган кўп вазифалар бор. Мактабимни бутунлай янгилаб берган азиз инсонга берган ваъданинг устидан чиқишим керак. Шуларга эришмагунимча тўхтамайман, — деди Зиёда Ҳайдарова суҳбатимиз ажунида.

Хуллас, ёзаман десам, мақолам ниҳоясига етадиган эмас. Аслида мақсадимиз илм даргоҳига катта маблағ тиккан олижаноб инсон хизматини эътироф этиш эди. Аммо у кишининг: “Мен ҳақимда шарт эмас, ўзимиз билсак бўлди”, деган маънодаги илтимосларини рад этполмадик. Яхшиси, ҳар ким бу мактабни ўз кўзи билан кўрсин. Ибрат истаганлар “REAL HOUSE” таъсисчиси Исроил Юнусовнинг ҳимматига гувоҳ бўлсин. Зеро, ҳазрат Бобур айтганидек:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ —

Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Мухайё ПИРНАҲАСОВА



НОЁБ ТОПИЛМА

НАВОИЙНИНГ “ТЕРМА ДЕВОН”И

Ҳазрат Алишер Навоий вафотидан тўрт ой ўтиб, 1501 йил май ойида унинг 130 шеърдан иборат бир тўплам қўлёзма шаклида кўчирилган. Биз сурати орқали айни девон билан танишиш шарафига муяссар бўлдик. Бу Навоий ихлосмандларининг энг дастлабки тўплами — “Терма девон”дир. Уни “Навоийнинг 1501 йилги “Терма девони” номи остида навоийшуносликка олиб кириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Алишер Навоий девонлари қўлёзмалари Ўзбекистон ва жаҳоннинг турли давлатлари кутубоналарида сақланмоқда. Кейинги йилларда хориждаги қўлёзма фондларида сақланувчи девонларининг янги қўлёзма нусхалари аниқланиб, илмий муомалага олиб кирилаётир. Масалан, ушбу девонларга кирган шеърлар таркиби аниқланмоқда. Дейлик, 2022 йили Алишер Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг иккита нусхаси таркиби қандай эканини билиш имкониятига эга бўлдик. Гап шундаки, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими Ойсара Мадалиева “Бадоеъ ул-бидоя” асарининг Эрондаги Машҳад шаҳри кутубонасида сақланаётган нусхасини, Туркиянинг Кара-бук университетида устозлик қилаётган ўзбекистонлик олим Саидбек Болтабоев эса Техрон шаҳридаги Эрон Миллий кутубонасидаги нусхасини аниқлади. Мазкур асарнинг Машҳаддаги нусхаси 1491 йили, Техрондагиси эса 1501 йили кўчирилган. Шу тариқа “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Алишер Навоий ҳаётлиги даврида кўчирилган нусхалари сони саккизтага етди. Мазкур маънашунос олимларнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

“ҲАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”ДАН КЕЙИН: АЛИШЕР НАВОЙИЙ ДЕВОНЛАРИНИНГ 1499-1501 ЙИЛГИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен музейидаги Алишер Навоий девони (ҳижрий 905, милодий 1499–1500 йилларда кўчирилган) таркиби билан бевосита шу музейда ноёб қўлёзмани ўрганиш орқали танишишга муваффақ бўлинди. Натижада ушбу нусхадаги шеърлар таркиби бўйича тадқиқотлар бошланди. 2024 йилгача Техрон шаҳридаги Малек музейи ва кутубонасида Алишер Навоийнинг 4919-рақам билан сақланувчи “Терма девон” қўлёзмаси ҳақида турк олими Шоди Ойдин каталоги орқали умумий маълумотга эга эдик. Мазкур қўлёзманинг айрим саҳифалари фотонусхалари интернетда ҳам эълон қилинган. Шу асосда кичик мақола ҳам нашр қилган эдик. Эндиликда 4919-инвертарь рақамли “Терма девон” қўлёзмасининг тўлиқ фотонусхаси орқали бевосита унинг таркибини ўрганиш ва шеърлар матнига оид яхлит маълумот олишга муваффақ бўлдик. Қўлёзма 43 varaқ — 86 бетдан иборат, 220x155 мм. ҳажмига эга. Ҳар саҳифада 11 қатордан шеър келтирилган. Қўлёзма муқаддимасида шамс ва унвон мавжуд. Шеърлар матнлари икки устунда берилган ва атрофи зарҳал рамка билан ўралган. Қўлёзма охирида келтирилган колофонда унинг кўчириб тугалланиш санаси араб тилидаги матнда кўрсатилган: 906 йил, шаввол ойи (милодий 1501 йил, май ойи) охири. Колофонда ўз даврида қўлёзма котибининг исм-шарифи келтирилган, бироқ кейинчалик номаълум сабабларга кўра унинг номи ўчирилган.

Манба сўнггидаги арабча яқун таржимаси: “Бу шариф нухса Аллоҳ Муҳаммад ва унинг авлодлари ҳурмати ила гуноҳларини кечирсин дегувчи фақир ва ҳақир... қўлнинг қўлида 906 йилнинг шаввол ойи охири кунда тамои бўлди”. Қўлёзмада Алишер Навоийнинг 127 ғазали ва 3 рубоийси келтирилган.

Қўлёзма бошланиши (16 varaқ):

*Эй, сафҳаи руҳсоринг азал хаттидин иншо,
Девобайи ҳуснунгда абад нуқтаси тугро...*

Қўлёзма тугалланиши (43а varaқ):

*Сен борғали ортмиш кўнгул зорлиғи,
Оҳ ўқларидин ҳар нафас афғорлиғи.
Билман, унутулганму экандур манга ҳажр,
Ё кўпрак эрур бу қатла душворлиғи.*

Биз илмий адабиётларда мазкур қўлёзма ҳақида бирор маълумот учратмадик. Фақат Эрон кутубоналарида сақланаётган туркий тилли қўлёзмалар каталогига мазкур асар ҳақида бир неча сатр маълумот келтирилган, холос: у Алишер Навоий девони деб аталган. Каталог муаллифи шундай умумий ном бергани учун қўлёзманинг моҳияти — Навоийнинг айнан қайси ва қанақа девони эканлигини қайд этмаган.

Мазкур мажмуа Алишер Навоийнинг 1498 йили тартиб берилиши аянланган тўрт девондан иборат “Ҳазойин ул-маоний” тўпламидан сўнг тузилгани ва анча кичик ҳажмдалиги сабабли, уни шартли тарзда улуғ мутафаккирнинг терма девони ёки “Навоийнинг 1501 йилги “Терма девони”, деб аташ мумкин. Китобдаги барча шеърлар “Ҳазойин ул-маоний” дан олинган. Шуни таъкидлаш керакики, ушбу қўлёзмага Алишер

Навоий ҳаётлиги даврида тартиб беришга киришилган бўлиши мумкин.


“ТЕРМА ДЕВОН” ТАРКИБИ

Мазкур девондан 127 та ғазал ва 3 та рубоий ўрин олган ва “Ҳазойин ул-маоний”дан қўйдаги кўринишда шеърлар олинган: “Ғаройиб ус-сигар”дан 69 та (53 фоиз); “Наводир уш-шабоб”дан 41 та (32 фоиз); “Бадоеъ ул-васат”дан 20 та (15 фоиз).

“Терма девон” учун шеърларни “Ҳазойин ул-маоний”дан сайлаб олиниши сабабларини излаб кўриш лозим. Нима учун айнан “Ғаройиб ус-сигар”дан кўп шеър танлаб олинган-у, “Ғавойид ул-кибар”дан бирорта ҳам шеър олинмаган? “Терма девон”даги ғазалларнинг бир қисми “Ҳазойин ул-маоний”даги ҳажмидан қисқартирилган. Навоий ғазаллари матнларини қисқартириш ҳолати унинг ихлосмандлари томонидан тузилган “Оққўюнли мухлислар девони”даги шеърларда ҳам учрайди. Туркиялик олима Танжу Сейхан ғазаллар ҳажмини кичрайтириб бериш усмонлилар ва оққўюнлиларда



Девонининг илк саҳифаси (16)



Девонининг сўнгги саҳифаси (43а)

аёнана бўлган, деган фикрни билдирган эди.

Яна савол туғилади: “Ҳазойин ул-маоний” 1498 йили тузиб бўлинганини ҳисобга олсак, унинг таркибидаги 4-деворн — “Ғавойид ул-кибар” 1501 йили “Терма девон” тузувчиси қўлида бўлмаганмикин? Ёки бунинг бошқа бир сабаби бормидир? Изланишларни давом эттириш керак.

Шеърларни терма девон учун танлаб олиш жараёнида баъзи ўзгаришлар ҳам амалга оширилган. Масалан, Навоий ғазаллари ҳажми қисқартирилган, асосан 1-2 та байт, кам ҳолатларда 3-4 байт олиб ташланган, байтларнинг ўрни, баъзи ҳарфлар ёки сўзлар алмашган.

“Терма девон”даги шу каби тафовут ва хусусиятлар, девон учун шеърларни танлаш принципларини махсус тадқиқ этиш мумкин. Масалан, Навоий “Ҳазойин ул-маоний”га жами 2600 та ғазалини киритгани бизга яхши маълум. Терма девондаги 127 ғазал юқоридаги асарнинг тахминан 20 дан бир қисмига, аниқроғи, 5 фоизга тўғри келади. Булар орасида Навоийнинг халқимиз орасида машҳур бўлган ғазаллари ҳам учрайди.

“НАВОИЙНИНГ 1501 ЙИЛГИ “ТЕРМА ДЕВОНИ” ВА ОҚҚҮЙОНЛИЛАР

Алишер Навоий шеърятининг Оққўюнли сулоласи билан боғлиқ ўринлари мавжуд. Бунга “Оққўюнли мухлислар девони” (1471 йили кўчирилган), “Султон Яъқуб сайланмаси” (1481 йил) каби Навоий шеърларини ўз ичига олган қўлёзмалар мисол бўла олади.

Биз тилга олган “Навоийнинг 1501 йилги “Терма девони” Техрондаги Малек музейи ва кутубонаси тавсифида “Девони туркмонони Оққўюнлу” (Оққўюнли туркмонлар девони) деб номланган ва Оққўюнли туркмонлар даврида кўчирилган, деб ёзилган. Аммо Оққўюнлиларга айни девоннинг нисбат берилиши сабаблари кўрсатилмаган.

Оққўюнлилар салтанати (1378–1501) қисман ҳозирги Туркиянинг шарқи, Арманистон, Озарбайжон, шимолий Ироқ ва Эрон ҳудудларида ҳукмронлик қилган ўғуз туркларига мансуб эканлиги маълум. Туркмон деганда эса ўша даврларда яшаган ўғуз турклари тушунилган. Бу сўзни Алишер Навоий ҳам “Фарҳод ва Ширин” достонида айни маънода қўллаган:

*Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шероз Табрес
Ки, қилимидур найи қилким шакаррес.
Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлгуз турк, балким туркмон ҳам.*

Тилга олинган кутубона тавсифида “Девони туркмонони Оққўюнлу” номи қайси асосда

қўйилгани (қўлёзма нақшлари, қўлёзма ёзуви услуби ёки бошқалар асосидими) айтилмаган. “Терма девон”даги Навоий шеърлар мажмуаси “Оққўюнли мухлислар девони”даги каби шоир ғазалининг:

*Эй, сафҳаи руҳсоринг азал хаттидин иншо,
Девобайи ҳуснунгда абад нуқтаси тугро —*

байти билан бошланади. Бу байт дастлаб Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя”, кейинчалик “Ғаройиб ус-сигар” девонларида келтирилган. Лекин бу икки девон айни байт билан бошланмаган, мазкур байт учинчи ўринда келган.

Алишер Навоий ҳаётлиги даврида (1471 йил) унинг Оққўюнлилар салтанатидаги мухлислари томонидан “Оққўюнли мухлислар девони” тузилган эди. Ундаги ғазаллар тилида шоир шеърларини ўғузлаштириш ҳолати аққол сезилиб туради (масалан, “топмадим” сўзи ўрнига “допмадим”). Кўриб ўтаётганимиз қўлёзмада эса бундай жиҳат аққол кўзга ташланмайди. Ваҳоланки, бу мажмуадан 30 йил аввал тартиб берилган “Оққўюнли мухлислар девони”да бундай ҳолат мавжуд эди. Саволлар кетидан саволлар пайдо бўлаверарди.

Мажмуанинг Оққўюнлилар муҳитида тайёрланганига доир саволлар билан ўғуз турклари қўлёзма санъати, хусусан, миниатюралари бўйича таниқли мутахассис, туркиялик профессор Лола




Афтондил ЭРКHOB,
филология фанлари доктори

Профессор Лола Улуч бу боғланишларни, биз сўз юритаётган ва Оққўюнлилар муҳитида кўчирилгани эҳтимоли бор бўлган, Навоийнинг “Терма девони”дан 30 йилларча аввалги даврига оид демоқда. Мухими, мазкур қўлёзма мажмуа, Лола Улуч фикрича, Оққўюнлилар муҳитида тайёрланган бўлиши эҳтимоли мавжуд. Балки айни мажмуагача Оққўюнлилар муҳитида Навоий шеърлари киритилган иккита қўлёзма тайёрлангани ҳам бунинг исботидир. Булар: “Оққўюнли мухлислар девони” (1471 йил) ва “Султон Яъқуб сайланмаси” (1481 йил). “Терма девон” балки ана шу аёнана давоми сифатида 1501 йили юзага келгандир. “Терма девон”даги Навоийнинг айрим ғазаллари “Оққўюнли мухлислар девони”даги каби қисқартирилган. Навоийнинг асли 9 байтли ғазаллари қисқартирилиб, 7 байтли шаклда ёки асли 7 байт бўлган ғазаллари қисқартирилиб, 5-6 байт кўринишида тақдим этилганини кузатиш мумкин. Бунинг сабаби ҳозирча бизга қоронғи.

Алишер Навоий ўзи тартиб берган дастлабки девони — “Бадоеъ ул-бидоя” девобасида халқ ичиде ўзининг минг-икки минг байтдан ортиқроқ шеърлари тўплаб кўчирилиб тарқалганини, яъни ихлосмандлари томонидан тузилган бундай тўпламлар бир неча бўлганини таъкидлайди: “...халойиқ аросида минг байт — икки минг байт ортуроқ-ўқсуқракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлб эрди”. Ҳижрий 870 (милодий 1465–1466) йилда Навоий шеърятини ихлосмандлари томонидан тузилиб, Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган “Илк девон”дан беш йиллар кейин, 1471 йили янги бир тўплам — “Оққўюнли мухлислар девони”нинг тартиб берилгани Навоийнинг юқоридаги фикрларини тасдиқлайди. 1501 йилда кўчирилиши тугалланган “Терма девон” ҳам улуғ шоир ижодиға ана шундай эҳтиромнинг маҳсулидир, эҳтимол.


Биз сўз юритаётган “Терма девон”нинг номланиши ҳам шартли бўлиб, навоийшунослиқда “Ҳазойин ул-маоний” тузилиши тугалланган 1498 йилдан кейин ундаги девонлардан (“Ғаройиб ус-сигар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат” ва “Ғавойид ул-кибар”) олинган шеърлардан таркиб топган мажмуаларга нисбатан қўлланади. Марҳум олим филология фанлари доктори Муҳаммаджон Ҳакимов фикрича, шартли тарзда ном олган Навоий “Терма девон”ларида 1500 дан камроқ шеър келтирилган. “Терма девон” 84 бетдан иборат бўлиб, унда 130 та шеър келтирилган. Лекин унинг “Ҳазойин ул-маоний”дан кейин тузилганлигини инобатга олиб, “Навоийнинг 1501 йилги “Терма девони”, деб атадик. Мазкур санани таъкидлашдан мақсад — уни бошқа “Терма девон”лардан фарқлаш ва Навоийнинг энг дастлабки терма девонларидан эканлигини таъкидлашдир. Албатта, бундай номлаш ҳам шартли.

Биз 1501 йил санасини бежиз эсламадик. Чунки айнан 1501 йилга келиб Оққўюнлилар салтанати



*Чинатой адабиёти ва тилига Навоийнинг қилмон
хизмати жуда муҳимдир. Бу кунин зини ўзбек адабиёти
ва унинг буғунги содда шебаси, менимга, ўша чина-
той шебасидан ўзганадир.*

Абдулхамид ЧЎЛПОН



Оққўюнлилар яшаган заминда умргуззоронлик қилган ўғуз турклари. Қорақўюнлилар билан курашлар натижасида Оққўюнлилар салтанати улар ўрнини эгаллаган. Маълумот сифатида таъкидлаш ўринлики, Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” таъзирасида Қорақўюнлилар ҳукмдорларидан Жаҳоншоҳ Ҳақийқий (1435–1467) ва Оққўюнлилардан Султон Яъқубни (1478–1490) ҳукмдорлар қаторига эслаб, уларнинг шеърларидан намуналар келтиради. Шу маънода олиб қараганда, мазкур икки сулола билан Темурийлар ўзаро муносабатда бўлганлар. Оққўюнлилар шахзодаси Султон Халил Шероз ҳокими (1471–1478) бўлган даврда, 1471 йили Алишер Навоийнинг “Оққўюнли мухлислар девони” кўчирилган. Хусусан, Навоий Султон Яъқуб билан шахсий алоқада бўлган. Бу ҳукмдор даврида Навоий шеърларидан ташкил топган “Султон Яъқуб сайланмаси” 1481 йили Шерозда кўчирилган. Яъни Оққўюнлилар қўлёзма санъатининг Алишер Навоий асарлари билан боғлиқ ўринлари аввалдан мавжуд бўлган.

Саволлар қўл, тахминлар ҳам. Мухими, Навоий шеърятига оид 1501 йилги “Терма девон”нинг аниқланиши натижасида навоийшунослик илми улуғ шоир яшаган даврга оид яна бир ноёб қўлёзма манба билан бойиди. Биз мазкур қўлёзма устидаги изланишларни давом эттириб, унинг факсимиле наشري ва таъбилини амалга ошириш ниятидамиз.

(Бошланиши 1-саҳифада)

“Садди Искандарий” достонининг бир боби тўлиқ адолат таърифига бағишланган. Бунда шоир олдинги тўрт достонда айтилган фикрларни умумлаштириб, яхлит концепция шаклида баён этишга киришади. Унга кўра, адолат — жамиятдаги барча муносабатларни тартибга солувчи тушунча бўлиб, уни амалга ошириш энг аввало, мамлакат ҳукмдори ҳамда тайинланган раҳбарларнинг бевосита вазифаси ҳисобланади. Адолат — шунчаки дунёвий ҳодиса эмас, балки илоҳий миссия эканини исботлаш учун мутафаккир шоир Аллоҳнинг гўзал исмларини мисол келтиради. Унга кўра, Аллоҳ таолонинг меҳрибонлигини билдирувчи “Аро-Раҳим”, ута қарамли эканини билдирувчи “Ал-Карим” исми бор. Бошқа исмлари ҳам шундай. Аммо адолатлилигини билдирувчи сифати “Ал-Одил” (адолат қилувчи) эмас, балки “Ал-Адл” (адолат)нинг ўзидир. Бундан келиб чиқадики, адолат билан иш қилувчи подшоҳ Аллоҳнинг “Ал-Адл” исмининг мазҳари бўлиб, у Худонинг энг яқин дўстига айланади:

“АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ...”

*Не асмомки, ул Ҳақ сифотиға дур,
Агар фикратинг ҳар бир отиға дур.*

*Не амреки бўлғай сифат доҳили,
Ҳақ отидур ул амриниғ фоили.*

*Қарам фартидиндур қарим ўлмоғи,
Тараҳҳум қўлидин раҳим ўлмоғи.*

*Вале оти асмода одил эмас,
Уқур чоғда эл они одил демас.*

*Адолатқа етганда қилимш Худо,
Ўз отини “Ал-адл” бирла адо.*

*Бу отиға кўпрак учун эҳтимом,
Анинг бирла оламға берди низоми.*

*Не шахим, анинг адл кирдоридур,
Десам, ийў ажажким, Худо ёридур. (“Садди Искандарий”, 20-боб.)*

Подшоҳ — Худонинг ердаги сояси деган ҳикмат ҳам айни шу ҳақиқат асосида шаклланган, дейди Навоий. Яъни, зулм ва зўравонлик билан ҳукумат юритадиган зотлар илоҳий марҳаматдан бенаосибдирлар. Ақинча, адолат билан иш юритувчи ҳукмдорда мабодо қандайдир салбий ҳислатлари бўлса ҳамки, қиёмат куни кечиради. Ҳаттоки мажусийлик динига эътиқод қилувчи сосоний ҳукмдор Анушервон адолатли бўлганлиги учун охиратда дўзах азобидан қутулиши ҳақида башорат қилинган. Анушервон одил замонда туғилганини “Мен адолатли султон замониде туғилдим”, дея фахр этган охирзамон пайғамбари (с.а.в.)дан ривоят қилинадиган ҳадисга кўра, мамлакатлар агар адолат билан бошқарилса, қодирлар юрти бўлса ҳамки, обод ва маъмур бўлади. Зулм ва зўравонлик билан бошқариладиган мамлакатлар эса мусулмонлар юрти бўлса ҳамки, албатта, завол топажак:

*Яна ҳам ҳадисадурур бу саҳиҳ
Ки, айлабдур они баёни фасиҳ:*

*“Қолур куфр аро қолса обод мулк,
Бўлур зулм агар бўлса барбод мулк”.*

Алишер Навоий ақидасига кўра, подшоҳ турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатларини ҳумоя қилиши лозим. Унинг сиёсати одамлар орасидаги мол-мулк, ишлаб чиқариш, ҳуқуқ ва мажбуриятлар дорасидаги муносабатларни тартибга солиб, мувозанатни таъминлашга хизмат қилмоғи керак. Бировга берилган имтиёз кимнингдир манфаатини оёқости қилмаслиғи керак. Айни пайтда, ижтимоий фаол бўлган кишиларни рағбатлантириб, улларда келажакка ишонч тўғйусини мустаҳкамлаш учун қонун устуворлигини таъминлаши лозим. Мутафаккирнинг қатъий ишончига кўра, икки ҳолат — бегуноҳлар жазоланадиган ҳамда айбдорлар жазога тортилмайдиган мамлакатнинг инқирозига сабаб бўлувчи бош омиллар ҳисобланади.

Навоий ушбу фикрларини исботлаш мақсадига Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳаётини ибрат қилиши лозим. Унинг сиёсати одамлар орасидаги мол-мулк, ишлаб чиқариш, ҳуқуқ ва мажбуриятлар дорасидаги муносабатларни тартибга солиб, мувозанатни таъминлашга хизмат қилмоғи керак. Айни пайтда, ижтимоий фаол бўлган кишиларни рағбатлантириб, улларда келажакка ишонч тўғйусини мустаҳкамлаш учун қонун устуворлигини таъминлаши лозим. Мутафаккирнинг қатъий ишончига кўра, икки ҳолат — бегуноҳлар жазоланадиган ҳамда айбдорлар жазога тортилмайдиган мамлакатнинг инқирозига сабаб бўлувчи бош омиллар ҳисобланади.

*...Ўл замонким жаҳондор эдим,
Адолат қилур фикрида бор эдим.*

Ҳиндустонки фатҳ қилгандан кейин фармон бердимки, сипоҳийлар тинч аҳолига ҳеч қандай зийн-заҳмат етказишмасин. Фармон қандай баҳарлиётганини қўрқочки бўлиб, сайрга чикдим. Бир ўрмонни кезаётганимда, қашшоқ ҳинд қабиласига дуч келдим. Шу аснода бир ағламли фарёдчи эшитиб, ўша томонга от қўйдим. Қўрдимки, қўшнимдан бир аскар ёғочу қамшидан ясалган бир бечорақол кампирнинг уйига бостириб кириб, уйдан неча шох айириб, бир қоп сомон ҳамда кампирнинг бирдан-бир бойлиги бўлган яшил сопол қосани тортиб олиб чиқётган экан. Золим аскар олган ёғочлар, сомон тўрваси ва сопол қосани кампирга қайтариб, қўлбасини тузатиридим. Аскарни бошқаларга ибрат-сабоқ бўлиши учун ўша кампирнинг уйи олдида дорга осилга бюордим. Фоний дунёни тарқ қилганимда қайбдан нидо келдиким, жами гуноҳларнинг бир муштилпар кампирга қилган адолатнинг тудфайли кечирилди ва қилган ҳар бир риёсиз амалинг учун ҳадис-ҳисобсиз муқофот берилди.

Сен ҳам, дейди Маҳмуд ўғлига, нариги дунёда гумроҳлар қаторига қўшилмасдан, абадий фарогатда яшашни истасанг, бу дунёда илоҳи борича яхшилик қилгн, адолатни ҳаётингнинг мазмуни деб бил.

Бу тушдан тўғри сабоқ чиқарган Масъуд умрининг охирига қадар адолат билан ҳукмронлик қилади.

Қиссадан ҳисса чиқариш асносида улуғ шоир юқоридаги фикрларига қўшимча равишда янги-янги ҳулоса ва умумлашмаларини тақдим қилади. Унга кўра, мамлакат фаровонлиги, юрт равнақи ва осийишталлиги айнан жамиятда адолатнинг барқарорлигига боғлиқ. Адолат тудфайли халқнинг ҳукуматга ишончи ортиб, сadoқат ва бирдамлик тўғйуси кучаяди. Сипоҳийлар ҳам фидойилик билан мамлакатни қўриқлайди. Бошқа мамлакат раияти ҳам одил подшоҳни яхши кўриб, унинг ҳақиқа дуопар қилишади. Жиноятга жазо муқаррар бўлган муҳида уз-ўздан ўғрилиқ, қотиллик, зўравонлик, қароқчилик каби иллатлар қанааяди. Зулмнинг катта-кичиги бўлмайди. Айрим ҳолларда арзимас бир жиноятга қаттиқ жазо чорасини қўллаш сиёсати ҳам адолат ва инсоф, ҳолислик ва ҳақиқат тантанасига қўлж беради. Бу ҳол эса, ҳукмдорнинг ҳам дунё ва ҳам охиратда саодатли умр кечириб, яхши ном қолдиришига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун юртимизда адолатли жамият барпо этиш ва инсон қадрини олий қадрият сифатида белгилаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳазрат Алишер Навоийнинг ғоя ва қарашлари, эзгу орзулари билан уйғун ва ҳамохандир.

Олимжон ДАВЛАТОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини директори



БОБУР — НАВОИЙШУНОС

(Бошланиши 1-саҳифада)

Иккинчидан, Бобур ҳижрий 911 (милодий 1506 йил) Ҳиротга Султон Хусайн Мирзонинг даъвати билан борганида айнан ҳазрат Алишер Навоийнинг “Унсия” номли уйида 20 кун яшайди. У бунӣ Бадӣуззамон Мирзо ва Музаффар Мирзонинг кўналғаларида қолмаган ҳолда махсус равишда сўраб олади. Мана шу кунларда у Навоийнинг деярли барча асарлари билан танишади, у зот Ҳиротда қурдирган барча биноларни бориб кўради. Шу орада Навоий девонларидан ўзи учун терма девон туздириб олади ва уни бир умр ўзи билан олиб юради.

Бобур айнан шу воқеаларни “Вақое”да баён этар экан, Султон Хусайн Мирзо умароси қаторида Навоийни ҳам биринчилар қатори зикр этади ва муҳим маълумотлар келтиради. Кейинги саҳифаларда ҳам Алишер Навоий турли воқеалар муносабати билан эсланади.

Бобур ёзади: “...Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммақтаб экандурлар...”.

Бу ўринда Хусайн Бойқарога муносабати ва унга боғлиқлиги нуқтаи назаридан Навоий эсланаётган бўлса-да, Бобур жуда муҳим жиҳатга диққатни қаратмоқда. Яъни подшоҳнинг ҳар бир умароси ёки беги унинг “мусоҳиби” (суҳбатдоши) бўлмаслиги ва Навоий айнан шундай яқин эканлиги, уларнинг бу яқинлиги болаликдан бошланганини уқтирмоқда.

Шундан сўнг, Бобур яна жуда қисқа ва асосли мулоҳазани айтади: “Хусусияте бисёр экандур”.

Эътибор беринг, Навоий ва Султон Хусайн кўп жиҳатдан бир фикрдаги, ўхшашликлари бисёр дўст экан. Айнан шундай тўхтамни ҳеч бир тарихчи айтмаган эди. Ёки яна, тарихий асарларнинг аксарида Навоий жуда макталса-да, ундаги икки хусусият — нозик миждозлигига ва тез ранжишига махсус урғу бериларди. Бобур ана шу жиҳатларга ҳам нуктадонлик билан жавоб топади. Унинг таъкидлашича:

“Алишербекнинг миждози нозуклук билан машҳурдир. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибилий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук миждоз экандур...”.


Талқинга кўра, халқ Навоий табиатидаги нозик миждозлик (нозик ҳис-туйғулар, суҳбатдош ва дўстни чертиб-чертиб танлаш, нафис ва гўзал нарсаларни суюш, тавозеъ, озода ва саришталик каби) хусусиятини ўта давлатманд ва юқори мансабга эга бўлгани учун ғурур-кибрга берилган, дея тасаввур қиларди. Йўқ, асло ундай эмас экан. Бундай сифат у зотда туғмадир. Чунки Самарқандда моддий қийинчилик билан кечган тўрт йил давомида ҳам худди шундай “нозук миждоз экандур”.

Тарихчилардан на Мирхонд, на Хондамир, ҳатто кейинчалик Восифий ва бошқалар ҳам айнан Навоий шахсиятидаги ажиб жиҳатларни Бобурчалик бу тарзда нозик кашф этиб, баён қилмаган эди. Умуман, Бобурнинг Навоийга муносабати, қарашлари ва таъқини бошқаларниқидан реаллиги ҳамда кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.

Бу каби жиҳатлар ҳақида ва умуман Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур алоқаси, асарларидаги ўхшашликлар, айниқ-

са, Бобурнинг Навоий ҳақидаги қарашлари борасида аввал ҳам илмда тўхтанилган. Жумладан, В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Семёнов, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Иззат Султон, А.Ҳайитметов, Б.Аҳмедов, А.Қаюмов, Ҳ.Қудратуллаев, С.Ҳасанов, Ш.Сирожиiddинов, В.Раҳмонов, А.Аъзамов каби олимларнинг айрим ишларини санаш мумкин.

Биз қуйида яна бир масалага эътибор қаратмоқчимиз. Яъни Бобур асарларида Навоийнинг нечта ва қайси шеърлари келган?



“Вақоеъ”нинг ҳижрий 905 (милодий 1499-1500) йил воқеаларида Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидида 385-ғазалдан байт келтирилган (бу ғазал кейинчалик Навоий томонидан мусамман ҳам қилинган):

*Не борурга қувватим бор, не турарга тоқатим,
Бизни бу ҳолатқа сен қилдинг гирифтор,
Эй кўнгул.*

Бобур “Девон”идаги бир қўтға эса

Навоийга тазмин.

*Эйки, дебсен лутф этиб, лутфи итбомуз ила:
“Кўнгулунг истар ёрлар бирла ҳаммаш шод бўл!”
Мендину кимдин яна бордур ниқори хотиринг?
“Мендину кимдинки кўнгулунг*

истамас, озод бўл!”

Мазкур қитъанинг 2- ва 4-мисралари “Ғаройиб-ус-сиғар” девонидидаги 283-ғазалнинг матлаъсидир.

Яна, Бобур девонининг айрим қўлғэмаларида Навоийнинг бир ғазали янглиш равишда Бобурнинг рубоийси сифатида келтирилади. “Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга”, дея бошланувчи машҳур ғазалнинг дастлабки икки байти (“Ғаройиб-ус-сиғар”, 16-ғазал). Бобур девонининг Париж, Лондон (22 б) ва Ҳайдаробод (23 б) нусхаларида Бобурнинг шеърлари орасида кўчирилган.

Бобурнинг “Аруз рисоласи” саҳифаларида ҳам Алишер Навоийнинг лирик шеърларида ўнлаб мисоллар келтирилгани маълум. Уларнинг адади ва айнан қайси де-

вонлардан эканлиги ҳақида бироз тўхталсак. Мазкур асарда Шарқ мумтоз адабиётининг ўнлаб вакиллари шеърӣ ижодидан кўплаб намуналар берилади. Уларнинг орасида энг кўп Алишер Навоий асарларидир. Кейин Амир Хусрав, Ҳофиз Шерозӣ, Абдураҳмон Жомӣ асарлари келади. Шу билан бирга, рисоладаги аксар шеърларнинг муаллифи кўрсатилмайди ва ана шуларнинг катта қисми Бобурнинг ўз қаламига мансуб асарлардир.

Навоӣ асарлари эса, “Аруз рисоласи”-нинг бундан ортиқ саҳифаларида учрайди. Улар кўпроқ байтлар шаклида берилади (фақат, уч ғазал тўлиқ). Бобур уларни аруз вазининг турли баҳрларида ижод қилинган шеърлар тарзида мисол келтиради. Масалан, “Наводир уш-шабоб” таркибидаги 339-ғазал матлаъсини 2 вазн ва бир тактеъ шаклида беради (676 арақ). Шунингдек, фақат лирик жанрдаги ғазал ва рубоӣлардан намуна келтирилгани ҳолда бир ўринда “Ҳайрат ул-аброр” достонининг 13-бобидан ҳам парча берилган (1656 арақ).

Бобур бошқа шоирлар каби Навоийнинг ҳар бир байти ёнига унинг муаллифини қайд этади ёки кетма-кет келса “ва лаху” (яна ўша) иборасини қўллайди.

Шу тариқа, Бобур Навоийнинг лирик асарларидан 214 та шеърӣ парча келтирганига гувоҳ бўламиз. Умумҳисоблаганда эса, жами 215 та шеър Бобур тарафидан “Аруз рисоласи”га Алишер Навоӣники эканлиги таъкидлаб киритилган. Фақат бир ўринда “Навоӣ” номи кўрсатилмаган байт бор (58 а арақ; “Наводир уш-шабоб”даги 199-ғазал матлаъси).

Мазкур шеърӣ мисолларни “Ҳазойин ул-маонӣ” таркибидаги девонлар матни билан қиёслаганимизда шундай манзара намоён бўлади:

*“Ғаройиб ус-сиғар”дан 88 та шеърӣ намуна;
“Наводир уш-шабоб”дан 38 та шеърӣ намуна;
“Бадоеъ ул-васат”дан 26 та шеърӣ намуна;
“Фавоид ул-кибар”дан 24 та шеърӣ намуна.*

Қолган 37 та шеър (байт ва рубоӣлар) эса “Ҳазойин ул-маонӣ” таркибида йўқ асарлардир.

Албатта, уларнинг ҳам айнан Алишер Навоӣники эканлигига ҳеч бир шубҳа йўқ. Зероки, энг асосӣй далил Бобур уларни Навоӣники, дея келтиргандир. Инчунин, айнан Ҳиротга келганида Навоӣнинг уйида яшаганлиги, улуг шоир ижодиётини чуқур ва атрофлича билиши, Навоӣ девонларидан ўзи учун терма девон ҳам туздириб олгани ҳақида “Бобурнома” саҳифаларидан бизга маълумлигини юқорида эсладик. Қолаверса, “Ҳазойин ул-маонӣ” таркибига кирмай қолган Навоӣнинг бошқа лирик асарлари борлиги ҳақида адабиётшунослиқда кўпдан бери фикрлар билдириб келинмоқда (бу ҳақда Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова, А.Абдуғафуров, О.Жўрабоев ва бошқаларнинг тадқиқлари бор). Мазкур 37 адаб шеър намунаси ҳам ана шу фикрларнинг асосли эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

*Навоӣ турк тилининг отасидур.
Навоӣ дуюк адиб, дуюк шоир, дуюк доҳийдур.*

Вадуд МАХМУД



Отакбай ЖҲРАБОВЕВ,
филология фанлари номзоди,
доцент.

Бунга сабаб сифатида Бобур қўлида Навоӣ девонларининг ҳануз фанга маълум бўлмаган нодир нусхалари бўлганини таъкидласак, хато бўлмас. Масалан, *Тилагим сенинг ҳузуринг,*
талабим сенинг жамолинг,
Неча кун тириклигимдин
ғаразим сенинг висолинг — дея бошланувчи ғазал ҳам Навоӣники эканлиги исботланган (“Айёми висол ўлди яна”. Тайёрловчи: Ф.Сулаймонова. Гафур Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1995 йил, 28-бет).

Айнан шу матлаъни Бобур ўз рисоласида келтиради (61 а арақ). Ёки рисоланинг 48 б - 49 б арақларида “Мир Алишер Навоӣ даги ўн икки аҳрам вазнига уч рубоӣй ва ўн икки аҳраб вазнига уч рубоӣй айтибтур”, дея таъкидлаб, ана шу рубоӣйларни вазн кўрсатгичлари билан икки байт-икки байт ҳолида ёзади. Уларни келтираимиз:

*Ё Раб, не офатдур ул ҳусну жамол,
Ким йўқтур ер ила жаҳон ичра мисол.
Минг қатла шукрни десам оз эрур
Ғар бўлса бир замон манга коми висол.*

*Эй сенсизин умрумдин осойиш йўқ,
Кўз истарким, кўрса жамолингни тўқ.
Келгилким, бир қатла узорингни кўрай,
Ким ҳажринг кўп урди (бу) кўксумга ўқ.*

*Эй маҳваш, ўтгай бу саркашлик ҳам
Раҳм айлаб бу қўлга жафони қил кам.
То Тенгри асрагай халойиққа сени,
Айлармен юз дуо сенинг сари дам.*

*Эй сендин ўллуб бағрим ҳам кўксум доғ
Кўнгулм ўту ул ўтқа тўқуб ашким ёғ.
Тан ўлса ғаминг ичра жонингга фидо,
Жон қуйса муҳаббатингда сен бўлғил соғ.*

*Бир лаҳза кўнгул сенсиз ҳолин билмас,
Жаврунгни кўнгулга эй париваш қил бас.
Ҳажрингда фиғонимга улус нола қилур,
Қил ҳолима раҳким, эрурмен бекас.*

*Эй шўҳ, бизинг сори бир айла назар,
Ким оху фиғон ўти чекар кўкка шарар.
Ё васл ила кўнгулмга қарин айла мурод,
Ё қатл ила қўйма бу ҳаётимга асар.*

Мана шу жиҳатларнинг ўзиёқ Бобурнинг “Аруз рисоласи” устида ҳали илмӣй-қибсий ва матний тадқиқлар давом этиши лозимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Навоӣ ижодини Бобур нақадар яхши билгани ва ҳали бу борада изланишлар бўлиши кераклигига ишора қилади.

ДУНЁ БҲЙЛАБ

“АНИНГ ЗАБТИҒА БИР ДЕВОН ЮБОРДИМ...”

“Дунё” ахборот агентлигининг хабар беришича, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида Алишер Навоӣй ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

ЖИДДА. Саудия Арабистонининг етакчи “Swift News” электрон нашрида Алишер Навоӣй меросига бағишланган мақола эълон қилинди.

“Янги Ўзбекистон билан боғлиқ бугунги воқелик Алишер Навоӣйнинг жаҳон маданияти ва илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб этишни кун тартибига қўймоқда. Бунда Навоӣй меросини ўрганиш ва ҳақиқӣй таржimai ҳолини яратиш, унинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда ижоди, маънавий меросини тадқиқ этиш, ундан изчил ва самарали фойдаланиш зарурияти юзага келмоқда, — деб ёзади Саудия нашри. — Бундай янги амалий қадамлар, аввало, ўзбек халқи маънавиятининг юксалиши ва буюк тарихини тиклаш учун ҳам жуда муҳим”.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг етакчи олий билим юртларидан бири — Жавахарлаъл Неру университетидида буюк мутафаккирлар Алишер Навоӣй ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган конференция ўтказилди.

Анжуманда адабиёт соҳаси халқларимизни асрлар давомида бир-бирига яқинлаштириб келаятган муҳим йўналишлардан бири эканига эътибор қаратилиб, мамлакатимизда ҳинд адабиёти ва Ҳиндистонда ўзбек адабиёти намояндalари асарлари севиб мутлолаа қилинаётгани таъкидланди.

Андижон давлат университети, Наманган муҳандислик-технология институти ва Жавахирлаъл Неру университети ўқитувчи ва профессорлари Алишер Навоӣй ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларни, илмӣй қарашларини баён қилишди.

Жавахарлаъл Неру университети профессори Абдул Холиқ Рашид Алишер Навоӣйнинг ўзбек адабий тили равнақидаги алоҳида хизматларига тўхталиб, айниқса, буюк мутафаккирнинг “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида ўзбек тилининг гўзаллиги ва бой имкониятлари ёрқин акс этганини таъкидлади.

— Алишер Навоӣй Ҳиндистон ва Ўзбекистонни маданияти-маърифий боғлаб турган афсонавий ва буюк тимсол бўлиб, унинг шахсияти, асарлари ва адабий аънавалари икки халқ учун ҳам қўтлуг меросдир, — деди профессор Аҳлоқ Аҳмад Аҳан. — Мен Ўзбекистонда ташкил этилаётган халқаро анжумандаги иштирокимни сабрсизлик билан кутаяпман ва бундан жуда мамнунман.

Жавахарлаъл Неру университети ҳузуридаги Ўзбек тили курсларида таълим олаётган талаба ёшлар Алишер Навоӣй, Бобур ва бошқа таниқли ўзбек шоирлари ижодидан намуналар ўқиб беришди.

АШХОБОД. Ўзбекистон элчихонасида мамлакатимизда буюк аждодларимиз Алишер Навоӣй ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодий меросига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Брифингда йиғилганлар эътибори икки муҳим сана — буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоӣй таваллудининг 583 йиллиги ҳамда шоир, тарихчи ва атоқли давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 541 йиллигига қаратилди. Дарҳақиқат, қардош халқларни уларнинг маданияти ўзига хос хусусиятлари билан бўлинмас мерос сифатида бирлаштириб туради.

ҚОҲИРА. Мисрнинг “Сада ал-Балад” ахборот агентлиги академик, юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Акмал Саидовнинг Алишер Навоӣй таваллудининг 583 йиллигига бағишланган “Мамлакат устунӣ, давлат таянчи” сарлавҳали мақоласини эълон қилди.

Ушбу йирик тахлилий мақола Алишер Навоӣй фаолияти ва Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик Шухрат Сирожиiddиновнинг “Амир Алишер. Ҳаётӣ ва фаолияти” номли китобида илгари сурилган далиллар шарҳига бағишланган.

АКС САДО

Телевидениенинг деярли барча каналларида намоӣйиш этилаётган сериалларни мунтазам кўзатиб бораман, десам ёлгон бўлади. Лекин ўзимизда ва хорижда тасвирга олинган, телевизорда кўрсатилаётган сериалларнинг мазмун-мундарижасидан хабардорман, касбим нуқтаи назаридан вақт топиб, бир-бир кўздан кечириб тураман. Яна бу масалада таҳририятимизга келаятган мактублар ҳам сериаллар борасида кўп ҳолатларни намоён қилади. Дастлабки муҳим хулоса шуки, сўнгги йилларда юртимиз студияларида суратга олинаётган сериалларнинг аксариятида миллий менталитетимизга, урф-одатларимиз, қадриятларимизга тўғри келмайдиган, ҳатто баъзан турмуш тарзимизга мутлақо ёт бўлган воқеа-ҳодисалар кўпайиб бормоқда.

Қизиги шундаки, биз бугун тарбиямизга зид ҳолатлар, тутуруксиз, яланғоч воқеалар акс этган сериаллардан фарзандларимизни, ёшларни ҳимоя қилмоқчи бўляпмиз. Ваҳоланки, бугунги кунда улар телевизор кўрмайди, телефонда ҳам сериал томоша қилмайди. Аксарияти телефон, компьютерда ўйинларни, турли ахлоқсиз тасвирларни томоша қилиш, ўзлари ҳам шу жараёнда иштирок этишга берилиб кетган. Бизни ташвишга солаётган асосий масала тарбия билан шуғулланиши лозим бўлган аёлларнинг, оналарнинг сериалларни қанда қилмай кўраётгандир. Албатта, ҳамма аёллар сериалга “шўнғиб” кетган, деган фикрдан йироқмиз. Лекин фарзанд тарбиясига масъул асосий шахслар — аксарият ота-оналар, айниқса, оналар фарзандини бутунлай телефонга боғланиб қолишдан асраш, ундан

фойдаланганда керакни ноқерақдан, фойдаланиши фойдасиздан ажратиш, қалбига миллий қадриятларни сингдириш ўрнига, ўзи сериалларга ўта берилиб кетаятгани ниҳоятда афсусланарли ҳол.

Табиӣйки, сериал кўраётган киши, ўзи истамаган ҳолда, намоӣйиш этилаётган томоша таъсирига тушади. Воқеалар эса, шубҳасиз, унинг руҳиятига, қарашларига, хоҳиш-истакларига дахл қилади. Айни сериал кўраётган вақтда томошага берилиб кетиб, атрофни, оила, бола-чақани унутади: фарзандлар назоратсиз қолади, уларда истаган ишни қилиш имкони пайдо бўлади. Хуллас, фарзанд тарбияловчининг ўзи тарбиясизликка йўл қўйган оилада, албатта, боланинг аҳоли нима бўлиши маълум. Кўряпмизки, ота-оналар бир ёнда, фарзандлар бир ёнда... Ҳўш бундай вазиятда қандай йўл тутиш

керак? Техника ривожланган, барча миллатлар эмин-эркин мулоқот қилиш имконига эга бўлган бир замонда чекловлар ўрнатиш инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларига дахл қилиш, деб баҳолашни турган гап. Лекин миллий менталитет, миллий ўзига хослик, миллий таълим-тарбия, деган тушунчалар бор. Агар шу нуқтаи назарда қарайдиган бўлсак, ўзбек миллатининг қадриятларига, урф-одат, удумларига, тарбиявий тутумларига тўғри келмайдиган сериалларнинг сценарийларини кимлар ёзапти, уларни кимлар суратга олаяпти ва кимлар роль ўйнаяпти, деган ҳақли саволлар туғилиши табиӣй. Албатта, ўзимизнинг муаллифлар, ўзимизнинг режиссёрлар ва актёрлар. Шу гапларни ёзаётиб ҳамкасбларимнинг бир сериал устидаги суҳбати ёдимга тушди. Эмишки, “Миллий” телеканал орқали намоӣйиш этилаётган

“Йиғлаган қизлар” номли сериалда оиладаги учта қиздан биттаси қилморбоз бўлиб кетган эмиш. Отаси қамалиб кетиб, 20 йилдан сўнг қамокдан чиқиб, қилморбозларга кўшилиб оларкан. Бир қимор ўйинида қизи ҳам қатнашиб, отасига ютқазиб кўяркан. Ота ўзи танимайдиган қизини хотинликка олишни хоҳлаб қоларкан. Лекин онанинг хунарларни ҳам бундан кам эмас. Сериалнинг давомини кўя туриб, шу воқеаларни тасаввур қилгандаёқ одамнинг тепа сочи тикка бўлиб кетади. Ҳўп, шундай оила бор ҳам дейлик. Бемаъни, бетайин одамлардан иборат бу оиланинг шармандали ҳаёт тарзини бутун республика, ҳатто бошқа юртларга достон қилишдан нима наф? Эҳти-мол, фақат яхшиликни кўрсатиб, камчиликларни хаспўшлаш нотўғри йўл, дейдиганлар бордир. Лекин миллатнинг аёлларини бу қадар жир-

канч, пасткаш ишлар орқали дунёга шарманда қилиш қанчалар тўғри?! Балки шундай оталар, оналар, қизлар бордир. Нисбатан камчиликни ташкил этувчи бу каби кимсаларни миллионлар аудиториясига намоӣйиш этиб, нимага эришамиз?! Эҳтимол, баъзилар чет элларда ишланган бу каби сериалларни ҳам кўришаяпти-ку, дея эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, лекин одамлар буни чет элнинг сериали, булар бошқа одамлар, деб қабул қилади.

Кези келганда айтиш жоизки, биз фикр билдираётган сериаллар, асосан, хусусий студияларда суратга олиниб, хусусий каналларда намоӣйиш этиляпти. Ҳўш, улар бизнинг юртимизда яшамайдими, миллий ўзлигимиз, қадриятларимиз, одоб-ахлоқ меъёрларимизнинг уларга дахли йўқми?!

Гулчехра УМАРОВА



Алишер НАВОИЙ

“ИШҚ ЎТИНИНГ ДОҒИНИ АҲЛИ ВАФОДА ИСТАНГИЗ”

ҲАЗАЛЛАР

Ошиқ ўлдум, билмадим ёр ўзгаларга ёр эмиш,
Оллоҳ-оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.

Қаддига эл майли бўлгондин кўнгул озурдадур,
Ул алифдин зорларнинг ҳосили озор эмиш.

Элга новак урди, мен ўлдум, эрур бас турфаким,
Жоним этган реш эл бағрига кирган хор эмиш.

Риштаким, муҳлик ярам оғзига тикти, англадим,
Ким кафан жинси қироғидин сувурган тор эмиш.

Кўйи деворидин оғриқ танга тушган соядек,
Сели ғамдин эмди соя ўрнига девор эмиш.

Жонга тахвиф айладим тиги ҳалокидин анинг,
Билмадим бу ишдин ул ўлгунча миннатдор эмиш.

Эй Навоий, ҳўларни кўрма осонлиғ била,
Ким биравким солди кўз, узмак кўнгул душвор эмиш.

Қон ютуб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб соғиндим, ёр эрур,
Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим.

Билмадим олам элида йўқтурур мутлақ вафо,
Ваҳки, умри улча йўқтур соғиниб бор истадим.

Улки топилмас башар жинсида, ваҳ, ғафлат кўрунг,
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Сирри ишқимни кўнгул кўз бирла фош этмак не тонг,
Қалбу тардомани чун мен соҳиб асрор истадим.

Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлук топмадим,
Дайр пири хизматиға кўйи хаммор истадим.

Эй Навоий, чун рафиқа топмадим бу ғуссадин,
Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим.

Жонга чун дермен: “Не эрди ўлмаким кайфияти?”
Дерки: “Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати”.

Жисмдин сўрсамки: “Бу заъфингга не эрди сабаб?”
Дер: “Анга бўлди сабаб ўтлук бағирнинг ҳирқати”.

Чун бағирдин сўрдум, айтур: “Андин ўт тушти манга
Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати”.

Кўнгулма қилсам ғазаб, айтурки: “Кўздиндур гунаҳ,
Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишининг тухмати”.

Кўзга чун дерменки: “Эй, тардомани юзи қаро,
Сендин ўлмиш телба кўнгулмнинг балою ваҳшати”.

Йиғлаб айтур кўзки: “Йўқ эрди манга ҳам ихтиёр
Ки, кўрунди ногаҳон ул шўхи маҳваш талъати”.

Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй,
Ким, санга ишқ ўти — ўқ эрмиш азалнинг қисмати.

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Шишадек кўнгулмдадур гулзори ҳуснунг ёдидин,
Тобадоннинг аксидек алвон қизил, сориг, яшил.

Оразу холинг била хаттинг ҳаёлидин эрур
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сориг, яшил.

Лаългун май тутқил олтун жом бирла сабзада
Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валеқ
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил.

Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.

Истаганлар, бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанода истангиз.

Вомиқу, Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Булсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.

Юз аларнинг ишқича дарду, балою ғуссаға
Толиб эл бошига қолган можарода истангиз.

Эйки, истарсиз саводул ваҳж фид-дорайндин,
Бохабар бўлмоқ мени юзи қарода истангиз.

Кўнгулм ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.

Нукта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.

Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.

РУБОИЙЛАР

Кўзум учадур, магарки ёрим келадур,
Эс ҳар дам озар, магар нигорим келадур.
Ё бодияйи фироқ сайрида қилиб
Юз марҳала қать, шаҳсуворим келадур.

Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қорақўз,
Ишқ аҳли ҳаётиға яро, эй қорақўз.
Чекма яна сурма кўз аро, эй қорақўз,
Эл жонига қилма кўз қаро, эй қорақўз.

Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард иставу дафъиға даво қилма ҳавас,
Ҳижрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдин ғайри ризо қилма ҳавас.

Ким истаса салтанат, саҳодур анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.
Ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт,
Оллиға неким келса, ризодур анга шарт.

Кўнгулмни ғаму дард ила қон айлади ишқ,
Кўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ,
Ҳар қатрани билмадим, қаён айлади ишқ,
Бедил эканим бўйла аён айлади ишқ.

Кўнгулм гулу сарв майли қилмас, нетайин?
Сарву гул ила даме очилмас, нетайин?
Гар шўх кўрунса, кўзга илмас, нетайин?
Бир шўхким, ул тилар — топилмас, нетайин?

Ўлсам, ясаманг мунда мазоримни менинг,
Юклаб элитинг жисми фиғоримни менинг.
Ўтрочи қариб аҳли диёримни менинг,
Кўйида кўюнг тани низоримни менинг.

Эй улки, замона аҳлидин айрилдинг,
Ишқ аҳли тариқи ҳўб эканин билдинг.
Хуш қилдинг, алар тавринию қотилдинг,
Раҳмат санга, яхши айладинг, хуш қилдинг.

Садбарг, бинафша, йўқса наргис, ё гул,
Ичмак бўлмас булар ҳавоси била мул.
То ҳажр елидин ўлди ошуфтадимог,
Юз ноҳуна кўз ичраву юз пора кўнгул.

Фурбатқа тушуб заифу бемор ўлдум,
Дарду ғаму меҳнат илгиде зор ўлдум.
Сартосар ажал тошидин афғор ўлдум,
Сенсиз не балоларга гирифтор ўлдум.

Эй боди сабо, агар ҳаво айлагасен,
Гулшанга етарни муддао айлагасен.
Сарв оллида ер ўпуб дуо айлагасен,
Гул қошида қуллугум адо айлагасен.

Мен менму висол умидидин шод ўлган,
Бир-бир ғаму андуҳдин озод ўлган.
Оз-озгина берган сойи гул атри насим,
Булбулдек ишим нолаву фарёд ўлган.



Ғафур ГУЛОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲИРОТ ТОНГЛАРИ

Ҳирот тонготарин тасаввур қилиб,
Йигитлик умрининг камолин кўрдим:
Қариган чоғларинг қаро шомида,
Хуросон ўлкасин заволин кўрдим.

Заволни билмаган порлоқ ижодинг,
Маърифат мулкида битмас ҳазина!
Инсоний камолот қатта йўлида,
Бир поя юксакроқ олтиндан зина.

Ўтмишдан беш юз йил тарихчи учун,
Синчиклаб қараса — куни кечадек.
Яшовчан кишига эндиғи минг йил,
Эртага кўлига кирган ўлжадек.

Беш юз йил хурматинг сақлаган ўзбек,
Кеча туғилдинг, деб қилади фараз,
Етук кишиларни яна минг йиллар
Халқ фарзанд атайди, жондан — беғараз.

Ўзбек деб аталган озод улуснинг,
Отахон шоири, қадрли устод.
Ошиқлар ғазалинг куйга солганда,
Маъшуқлар дилининг хонаси обод.

Бирор шоҳбайтингни ёддош тутмаган,
Каттадир, кичикдир, бизда киши йўқ.
Олтин балдоқдаги нифрит кўз каби
Асаринг биз учун бўлди қорачиқ.

Улуғвор халқимиз тарихда машҳур,
Гувоҳлик беролур бунга Геродот.
Ўзбекни, тожикни қабила атаб,
Бирор лорд қилолмас ўтмишни унут.

Шарқимиз чумоли у эмасдир,
Бирин бировидан таниб бўлмаса,
Шўрлик бойваччалар, толеингиз шўр,
Афсуски, тарихдан тониб бўлмаса!

Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,
Талай жафоларни тортган эски Шарқ —
Не-не даҳоларни тарбият қилиб,
Офтобдай жаҳонни нурга қилди ғарқ.

Алишер Муштарий юлдузи каби
Ўзбек осмонида балқиган чоғи,
Яна бир муҳтарам ўғил кўргандай,
Каттароқ очилди олам кучоғи.

Электр барчанинг уйин ёритур,
Ва туз тотимида миллий фарқ йўқ.
Маърифат инсоннинг шерик хислати,
Ватани фазодир бушаларкан ўқ.

Тирик Фарҳодларни танимақ бўлиб,
Олий юртимизга қилсангиз сафар,
Бу ерда ҳар битта тарошланган тош,
Юксак умидлардан беради ҳабар.

Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислохотларимиз буюк
Алишер Навоий бобомизнинг битта кўнгли ўқсик одамини хурсанд
қилиш — Каъбани обод этиш билан баробар, деган теран маъноли
сўзларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Абдулла ОРИПОВ,
*Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири*

АЛИШЕР

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди, —
Бариға онасан, эй қодир ҳаёт.
Беш юз йил наридан боқиб турибди,
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан, —
Халқим, таъзим этсанг арзигаъ тамом.
Унинг номи билан бирга битилган
Дунё дафтарыда ўзбек деган ном.

Бойқаро иргишлаб истак отида
Жаҳонга боққанда мисли бола шер, —
Ҳирот дарвозасин бир қанотида
Шеърый лашкарини тизган Алишер.

Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун
Юрт бузиш шарт эмас, деган гап-ку, рост.
Кимдир пеш қилганда найзанинг кучин,
Алишер қаламини кўрсатган, холос.

Тун билан тонг эрур ташбеҳда удум,
Мисоли захру май, ҳажру шакар лаб.
Кимнидир куёшдай эсласа мардум,
Кимнидир зулматдай юрарлар қарғаб.

Нидо тингла, бу кун, юртинг тарафдан,
Эй, йироқ Ҳиротда маскан топган эр!
Огоҳ бўл, Алишер, сен ушбу гапдан:
Ҳар икки набиранг — бири Алишер.

Байтингга бир бора қовушган ҳар лаб,
Такрорлаб кетгуси маҳшаргача то.
Қаратиб турибсан бу ён, не ажаб,
Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто.

Бировлар наздида жоҳил Осиё
Фақат завол кўриб, кўрмаган камол.
Мусо илтижоси етди-ю гуё,
Ҳақ Тур тоғи узра кўргазди жамол...

Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...
Шодмон қасида айт сен ҳам, эй куёш!
Беш юз йил, унга ҳам нима гап ахир,
Мингга қадам қўйди йигирма беш ёш.



Эркин ВОҲИДОВ,
*Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири*

АЙЛАГАЧ

Мухаммас

Кўз очар гулшанда ғунча, булбул афғон айлагач,
Нега афғон айлай, ул гул юзни тобон айлагач,
Мисли ойким, кўрк очур сайри шабистон айлагач,
Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Нега ул кун сочларингни анбар афшон айладинг?
Рўзигорим тийра, кўзим кавкабистон айладинг?
Кўлга кўйгачму хинолар ё дилим қон айладинг,
Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,
Ё юзингга тегди қонлар бизни қурбон айлагач.

Меҳр сўндиргач дилида, жонни сўзон айлади,
Ҳуснини обод этиб, кўнглимни вайрон айлади,
Сеҳр айлаб ошиқро, банди пинҳон айлади,
Ошиқор айлаб юзин, кўзимни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгул, ўзимни ҳайрон айлагач.

Мен-ку содиқ маҳрам эрдим оғзи маҳкам, кўнгли пок,
Ишқ сирин этмасдим ошқор бўлгунимча токи хок,
Шафқат истаб нола қилдим, онт ичиб ёқамни чок,
Жонда кўйгоч нақди ишқин қилди кўнглимни ҳалок,
Ўлдурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Нолаю афғонинг, Эркин, дилбарингга етмади,
Етса ҳам ё бемеҳр ёр зарра парво етмади,
Битди кўп захминг ва лекин ишқ захми битмади,
Эй Навоий, ишқ агар кўнглингни мажруҳ етмади,
Бас, нединким қон келур оғзингдан, афғон айлагач.

Армуғон



Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Мухаммас

Чарх авзойи бу дам аввалгиларга ўхшамас,
Котибу давру рақам аввалгиларга ўхшамас,
Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас,
Кўнгулм ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларга ўхшамас.

Не учар юлдузлар ўтди чалғитиб элни жуда,
Неча авлод йўлию умидин айлаб беҳуда,
Давр мезони билан тортай бу кун ўзимни-да,
Не ситамким қилса раҳм маҳфий эрди зимнида,
Эмди қилса не ситам, аввалгиларга ўхшамас.

Бул Жаҳон тун бирла тонг баҳс этар бир хужраким,
Воҳ, қуёш савдосига шамлар нечук бўлди ҳаким,
Ишқ, бу — ўз умрим, анга нечук қасамлар ичмаким,
Демангиз, Ширину Лайли онча бор ишқ ичраким,
Хублиқда ул санам аввалгиларга ўхшамас.

Қай кишиким бир улуг ишга этибди жон нисор,
Шиддати пасту баланд келганда ҳам бўлмайдди ор,
Эй фалак, ҳеч кимни этма бесамар йўлларда хор,
Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,
Ўлмишамким, бу алам аввалгиларга ўхшамас.

Она Шарқ тожин киюр! Зулматда ушлатманг мени,
Бодайи ҳақ мастиман, ёлгонга уйғатманг мени,
Ўз ҳаёлимга қўйинг, ўзгага ишлатманг мени,
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунга ўхшатманг мени,
Ким бу расвойи дижам аввалгиларга ўхшамас.

Ҳар кима ҳар хил ёзур Арш Мирзоси сана,
Айланур ойна бу, ҳеч битта иш топмас пана,
Нафс илгига боғлидур руҳ илларин узган тана,
Кўйининг эҳромидан кўнглимни ман этманг яна,
Ким анга азми ҳарам аввалгиларга ўхшамас.

Сўкмак ўтганлар ишин нотавонлар расмиким,
Ўз замонин рост этар қавми марддир асли ким,
Шу ҳаёт тилсимларин очмоқ омонлар касбиким,
Эй Навоий қилма Жамшиду Фаридун васфиким,
Шоҳ Ғозийга қарам аввалгиларга ўхшамас.



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

ИЗЛАЙМАН

Ишонаркан ортдагию ёндошга,
Ишонаркан бегонаю қондошга,
Бошим билан уриларкан, воҳ, тошга,
Орангиздан Навоийни излайман.

Яшнаб-яшнамасдан, сўлиб-сўлмасдан,
Кетиб борарканман, ўлиб-ўлмасдан,
Мен ўзимнинг кимлигимни билмасдан,
Орангиздан Навоийни излайман.

Дунёнинг сир-синоати минг турлик,
Бирда хўрлик ўлдиради, бир кўрлик,
Навоийни тугмай, нечун, мен шўрлик,
Орангиздан Навоийни излайман.

Ўтарканман доғи билан доғланиб,
Ҳокистарин таниб қолдим, оҳ, таяниб,
Девонига суянаркан покланиб,
Орангиздан Навоийни излайман.

Айтинг, кўп қолдими ё оз ул қунга,
Қачон етгум ул ўғилга, пок унга,
Юзим билан йўқиларкан олдинга,
Орангиздан Навоийни излайман.

Юрсам, юргум шу ният ҳар дам ёқиб,
Кетсам ҳам умрим — шу ёруғ ғам ёқиб,
Қабримда ҳам тунлар туриб, шам ёқиб,
Орангиздан Навоийни излайман.



“МАСЖИД ГУМБАЗЛАРИ...” КИМНИНГ ФИЛЬМИ?



1916 йилги Жиззах кўзғолонига бағишланган “Масжид гумбазлари остидан” номли фильм 1927 йили суратга олинган. Фильмдаги турли кадр-манзараларни суратга олиш жараёни ҳақида “Ер юзи” журналида Б.Ҳ. имзоси билан махсус мақола ҳамда учта сурат эълон қилинган. Мақола таркибида икки марта “Гертель” исми тилга олинган.Хўш, у ким? К.Гертель кинорежиссёр, сценарийчи, рассом, сиёсий қатағон қурбони бўлган. Казимир Гертель (1889-1938) 1926–1928 йилларда Москвадан Тошкентга кино санъати соҳасида ишлаш учун таклиф этилган. У “Масжид гумбазлари остидан” фильми билан бирга “Равот қашқирлари” фильмига ҳам режиссёрлик қилган. “Равот қашқирлари” ҳақидаги мақоласида

Абдулла Қодирий ижобий фикрлар билдирган. Айрим танқидий мулоҳазаларни ҳам айтган. Кино учун сценарийларни миллий турмуш тарзини биладиган ўзбекларнинг ўзи ёзиши кераклигига, яъни “...мумкин қадар сценарий ёзувчиларни ўзбеклардан етиштириш” лозимлигига урғу берган. “Масжид гумбазлари остидан” фильми сценарийсини Гертель ва Валентина Собберий ёзган. Фильмда Комил Ёрматов, Раҳим Пирмуҳаммедов каби ўзбек актёрлари ҳам роль ижро этган. Кўйида “Ер юзи” журналининг 1927 йили 30-сонида босилган кичик бир мақола ўзбек киноси тарихининг бир саҳифасини бўлса-да, ёритишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

ТАҲРИРИЯТ

1916 йил

(Ўзбек давлат киноси картиналаридан)

Эски Туркистон ўлкасининг бир қўб шаҳарларида майдон олғон 16-нчи йил ишчи воқеаси ўзининг қонли кунлари билан мағмум (огир — С.К.) сирлар қолдирғони маълумдир.

16-нчи йил — чор ҳукуматининг истибдодига маҳаллий халқнинг чидай олмай, унга қарши кўзғолғон йили.

Жиззахнинг тўпға тутилиши, халқининг тоғ-тошларга ҳайдалиши, юзларча камбағал оилаларнинг уйсиз-жойсиз мунтазир қолиши, хотин-қизлар, йигит-яланғлар, бола-чақаларни унутилмас қайғулар босиши ва Тошкент каби бир қўб шаҳарларда қонли уринишларнинг юз кўрсатиши — ҳаммаси 16-нчи йил аламли эсталикларидандир.

Маҳаллий халқнинг, айниқса, ишчи-деҳқонларнинг қон томирларидан жой олғон мана шу 16-нчи йил воқеасини бугун ўзбек давлат киноси кинокартинага олишқа муваффақ бўлди. Маскав, Тошкент, Самарканд, Бухоро, Жиззах шаҳарлари билан Ургут, Даҳбет ва бошқа қишлоқларда суратка олиниб келган бу картинанинг 90 фоизи ҳозир тамом бўлиб

қолғон. Бир оз бўлими ўзбек давлат киносининг Эски шаҳар фабрикаси қошидаги павилўнда олинмоқдадир.

Тез кунларда халқ кўзига кўриниши кутилган бу картинанинг кўручилар орасида чуқур туйғулар уйғотишига ишончимиз йўқ эмас.

Шуни ҳам унутмайликким, рўмон шаклида кинокартинага олинғон ҳар бир воқеа ўзга ҳолларга тадбиқ этдирилиб ва турмуш уринишларининг ҳар бир бурчагидан, табиий ҳодисаларидан ўшатмалар қўшилиб, бир неча бўлимлик кинорўмон, кинокартина лентаси ҳолига айлантирилади.

Шунга ўхшагон 16-нчи йил воқеаси... Воқеани бўлғонича картинага олиш билан қолмасдан, унинг сабабларини очиш йўлида ҳам ҳаракат қилинди: истибдод ҳукуматининг давлат ташиклотига ишонғон фабрика эгаларининг фаолиятлари, Оврўпо муҳорабасининг келиб чиқиши натижасида чор ҳукуматининг мустамлакалар устида ўйногон ўйинлари, зулмлари, ваҳшатлари ва бошқа шунга ўхшагон кайфиятлар асосий



воқеага аралаштирилиб юборилғон.

Чиндан-да, рўмон шаклида кинокартинага олинғон ҳар бир ўзгаришнинг кўзғолонларини, отиш-ўлдиришларини, умумнинг иштироки билан юз кўрсаткан тўполонларини айнан — ўзича картинага олиб кўрсатканида: куруқ шўнот (шон-шараф — С.К.) кино-журнал ёки ундан-бундан бўлиб қолади; ўзгариш сабабларини, келиб чиқишларини, натижаларини турмуш урунишларидан мисоллар билан махсус

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

XX асрнинг бошларида Туркистонда вужудга келган жадидлик ҳаракатига ҳозирги замонда ҳам биз учун ўзига хос ижтимоий-маънавий йўл кўрсатувчи бир юлдуз сифатида қараш ўринлидир. Бу ҳаракатга ўша даврнинг машҳур зиёлилари, мутафаккир арбоблари бўлган Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқалар бош бўлдилар.

Дастлабига мактаб-маориф соҳасида янгича ўқитиш усули, ўқувчиларга диний-исломий фанлар билан бир қаторда дунёвий-замонавий билимлар ҳам берилиши тарафдорлари бўлган жадидлар ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам янгиликларнинг амалга ошиши, тараққийёт тарафдорлари бўлиб майдонга чиқдилар... 1905 йилнинг ўрталарига келиб биринчи жадид наشرлари пайдо бўлди. Асримиз бошида дунёга келган тараққийпарвар жадид матбуотининг илк наشري — 1906 йилнинг 14(27) июнидан эътиборан чиқа бошлаган “Тараққий” газетаси эди. Мухаррири ўзининг хур фикрлари ва ижтимоий адолатсизликка қарши ҳаракатлари учун Қозон шаҳридан Тошкентга бадарға қилинган татар зиёлиси Исмоил Обидов бўлган бу нашрга ўша давр матбуотининг илк тадқиқочиси бўлган Зиё Саид “Жадидларнинг фикр тарқатғувчиси, энг севикли ва тўнғич газетаси” эди, деб баҳо берганди. “Наҳот: Маслакда сабот, тўғрилиқда ижобат” газета шiori бўлиб, бунинг маъноси нажот, яъни озодликка эришиш йўлини маслак — эътиқодда мустаҳкам туриш, тўғрилиқка амал қилиш демакдир. Газета ўз саҳифаларида қолоқлик ва жаҳолатга, зулм ва залолатга, шу жумладан, мустамлакачилик тартибларига қарши кураш эълон қилди. Ижтимоий ҳаёт масалаларини дадил кўтариб чиққан бу наshr саҳифаларидаги материалларда танқидий рух, фoш этиш йўналиши кучли эди. Газетанинг биринчи сонида эълон қилинган бош мақолага: “Биз — мусулмонларни хурриятда ҳақлари борми? Йўқ! Қариндошлар, юз марта йўқ!” деган

сарлавҳа берилиб унда чор ҳукуматининг халққа эркинликлар ваъда қилган Манифести Туркистон халқларига ҳеч қандай ҳақ-хўқуқ бермагани, ҳамон миллий ва сиёсий зулм-истибдод ҳукм суриб келаётгани баён қилинади: “Ҳозирда ижтимоий калом, матбуот учун берилган хурриятлар тўшақ устида, оғзига сув томизилиб турилган огир хастадек эканини тилсиз ва кўр табиблар ҳам тасдиқ этурлар. Бу каби заиф ва ланж хурриятларга халқимиз ҳамон рози бўлмай курашиб, тортишиб... хуррият, яъни озодлик ва шодлик байрамларини умри боқи одамларга кўрсатурлар”. Кўриниб турибдики, бу ўринда ижтимоий-ҳажвий танқиднинг кескин, заҳарханда услубидан фойдаланилган.

Ижтимоий ҳаётнинг тараққийёт қонунларини тўғри тушунган “Тараққий”чилар жамиятдаги жабр-зулмнинг ҳар қандай кўринишларини дадиллик билан фoш этдилар. Газетанинг 17-сонида босилган бош мақолада чор ҳукумати миришабларининг ҳаддан ошган зулмлари, улар ҳатто кўчада ўз иши билан юрган одамларни ҳам ушлаб калтаклашлари ҳафр-ғазаб билан қораланади. “Маъмурлар” деган мақолада эса ҳукумат томонидан тайинланган амалдорларнинг адолат қилмасликлари, оддий халқни менсимасликлари танқид қилинади:

“Фуқаронинг хизмати учун тайин қилинмиш бўлгонлари хотирларига келмак шўйла турсин,

балки биласк фуқарони ўзлари учун халқ қилинмиш жонивор ҳисоб қилуб, кибр-ғурур ила бутун дунёни тўлдирдилар”, деб таъкидланади мақолада.

Газета халқоммасининг, оддий одамларнинг кўзларини очишга, дунёни англашга, ўз ҳақ-хўқуқлари учун фаол курашишга, лоқайд, мутёғ бўлмасликка ҳақиради: “Ҳамма халқ хуррият учун курашиб, жабр ва зулмлардан озод бўлай деб турғонда... Туркистон мусулмонлари

пристуф ва ҳокимларга қўл қовуштириб, сажда қилуб, ўз-ўзларин хурриятдан безғон каби кўрсатуб, обдан обрўсиз бўлиб, юзларина қора тортилгандек бўлди. Лекин халқимизнинг жабр ила тўқилган қонлари мамлакатимизни бўёгон эди”. Газетада босилган “Дунё йиғувчилар ва меҳнат қилувчилар тўғрисида” мақоласида эса барча моддий ва маънавий бойликларни яратувчиларга халқ экани таъкидланади.


“Тараққий” газетаси ўз материалларида озодликка эришиш йўлида илм-маърифатнинг нияоятда зарурлигини, фақат ўқиган, дунёвий билимларни эгаллаган, ўзлигини таниган миллатгина ўзининг ёрқин келажагига эга бўлишини уқтиради. Ўзбек халқининг чинчана заибли, фидойи фарзанди Мунаввар қори Абдурашидхон ўғлининг газетанинг шу сонида босилган “Бизнинг жаҳолат — жоҳили мураккаб” фельетониде ана шу мавзуда фикр юритилди.

“Эй ватандошлар! Дикқат назари ила бокин! — деб ёзади муаллиф. — Бир болани мактабга бермоқдан мақсад... зарурати дунёмиз ўлғон илми ҳисоб, жуғрофия, тарих каби илмларни ўргатмоқдир”. Муаллиф мактабларда ўқитишда янги низомга ўтиш, аввало муаллимларнинг ўзлари ҳам дунёвий илмлардан баҳраманд

бўлишлари хусусида сўз юратади. Бунинг акси эса миллатнинг тараққийёт йўлига ғов бўлувчи жаҳолат эканини аччиқ таъкидлайди:

“Бу жаҳолат натижасидирки, ўзимиз ерли мусулмонлардан ўлдигимиз ҳолда мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдиқ ва бу жаҳолат хоҳишидирки, миллат фойдаси учун жонини қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёддан чиқариб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивхоналарга сарф этмоқдадурлар”, деб афсус билан мақоласини тугалайди Мунаввар қори.

Газета феодал қолоқлик, жаҳолат, диний



фўрмада майдонга отқонда, тилагимиз ўрнига кела қолади.

16-нчи йил воқеасининг картинавий тузилиш томони ҳам шу йўлда.

Картина сенариясини тузучилар: Гертел ва унинг ўртоғи бўлиб, режиссўрликни ҳам Гертел бажариб боради.

Картина “Мачит гумбазлари остидан” деган бир унвон остига киритилган. Бу мавзу устида ёзилғон мақола, асар, олинғон картинанинг руҳонийлар ҳаётини тамсил этмағи лозим келиб қолади. Ҳолбуки, улар ҳаётидан бир асар картинада топилмайди. “Мачит гумбазлари остидан” деган билан шарқни билдирмакчи бўлсалар, картина умумшарқ тарихини, шарқ ҳаётини кенг миқёсда ичига олмайди.

Картинанинг бир ҳусни — иштирок эткан қўбчиликнинг Ўзбекистон камбағал деҳқонлари, ишчилари, хизматчилари ва уларнинг оилалари бўлишидир.

Ургут ва Даҳбет қишлоқларида уч минглаб ишчи-деҳқонларнинг юзларча от-аравалар билан атроф қишлоқларидан келиб қизғин ҳарорат остида соатларча, кунларча қатнашишлари фавқулодда суюнарлик ҳоллардандирким, Ўзбекистон ишчи-деҳқонлари орасида маданий савиянинг қанчалик ўсканини очиқ кўрсатадир.

Б.Ҳ.

“Ер юзи” журналининг 1927 йил 30-сонидан

Соҳиба КАРИМОВА тайёрлади.

ХОТИРА АЗИЗ

(Бошланиши ўтган сонда.)

Аҳмедов Ҳайдар — 1905 йили Бухоро шаҳрида туғилган, қулоққа тортилган, қатағондан қочиб яширинган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташиклотнинг собиқ аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда оддий хизматчи бўлган. Жазо муддати 1937 йил 15 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Маҳмудхўжаев Бўрихўжа — 2321-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. 1880 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, савдогар, “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташиклотининг собиқ аъзоси. Доимий равишда миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташиклотининг таниқли арбоблари билан алоқадорликда айбланган.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиғи ҳузуридаги Учлик 1937 йил 13 ноябрь куни 242 маҳбус устидан ҳукм чиқарган. Улар орасида жадидчилар ҳам бўлган. Кўйида улар ҳақидаги маълумотларни келтираимиз:

Қозиев Низом — 10742-сонли иш бўйича ҳукм қилинган 1902 йили туғилган. “Турон” панктуркич, миллатчи ташиклотининг аъзоси сифатида (1919 — 1923 йиллар) қўрбошиларга маслаҳатчилик қилганликда айбланган. Отаси қози бўлган, ҳибсга олинган вақтда колхозда ҳисобчи бўлган. Халқ душманларининг аксилинқилобий фаолиятини мақтаганликда айбланиб НКВД ЎзССР Училиғи томонидан 1937 йил 13 ноябрда ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан халқ душмани сифатида 10 йил қамок жазосига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган.

10740-сонли иш бўйича фақат андижонликлардан 28 киши устидан ҳукм чиқарилган. Уларга жадидчи “Миллий иттиҳод” ташиклоти аъзоси, деган айб қўйилиб ҳукм чиқарилган. Кўйида улар ҳақидаги маълумотларни келтираимиз:

Ниёзов Ҳасанхон — 1895 йили Андижон шаҳрида туғилган, отаси мулкдор бўлган, Маҳкам қўрбоши тўдасида фаол иштирок этган. “Миллий иттиҳод” нинг собиқ раиси. Ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлган. Аксил-инқилобий “Миллий иттиҳод” ташиклотининг раиси сифатида йиғилишлар ташкил этганликда, ВКП(б) ва совет ҳукуматининг сиёсати тўғрисида аксил-инқилобий маълумотлар тарқатганликда, “Мусулмонобод”ни ташкил этиш ҳақида гапирганликда айбланган. 1931 йили таниқли аксилинқилобчи арбоб Мусо Журуллонинг хоригига чиқиб кетишини ташкил этган. Ниёзов Ҳасанхоннинг мол-мулки мусодара этилиб, ўзи отувга ҳукм қилинган.

Бурҳон Машрабий — 1900 йили Андижон шаҳрида туғилган, савдогар оиласидан. Маҳкам қўрбоши тўдаси иштирокчиси, аксилнқилобий ташиклот аъзоси сифатида 1923 йили қамоққа олинган. Ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлган. Аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, бўҳтон тарқатганликда айбланиб отувга ҳукм этилган.

Ҳайдаров Абдужалил — 1889 йили Андижон шаҳрида бой оилда туғилган, собиқ савдогар. 1933 йили қулоққа тортилган, “Миллий иттиҳод” ташиклоти аъзоси. Аксилинқилобий фаолияти учун 1922 ва 1923 йилларида икки марта қамоққа олинган. Ҳибсга олинган вақтда кўрлар жамиятида хизмат қилган.

Аксилнқилобий йиғинларнинг фаол иштирокчиси ва ташиклотчиси сифатида доимий равишда аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда, мамлакатдаги аҳвол тўғрисида тухмат гапларни тарқатганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Қорамандиев Абдумуталиб — 1897 йили Андижон шаҳрида туғилган, савдогар оиласидан. 1930 йили қулоққа тортилган, “Миллий иттиҳод” ташиклотининг аъзоси. Аксилнқилобий фаолияти учун 5 йил қамок жазосига ҳукм этилган, сургунда бўлган. Ҳибсга олинган вақтда давлат уруғчилик фонди дўкони мудир бўлган. У аксилнқилобий гуруҳларнинг фаол иштирокчиси ва ташиклотчиси сифатида, Совет ҳокимиятига қарши курашга қақирганликда, “миллий иттиҳодчилар”, троцкиичилар ва бухаринчилар отилаётганлида уларга раҳмдиллик кўрсатганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Баҳриддинов Домуллажон — 1904 йили Андижон шаҳрида бой оилда туғилган. 1929 йили қулоққа тортилган. “Миллий иттиҳод” ташиклоти аъзоси. Ташкилот топширини бўйича аксилнқилобий фаолияти учун 1933 йили қамоққа олинган ва 4 ой турмада сақланган. Ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлган. Аксилнқилобий йиғинлар ташкил этишда фаолиик кўрсатганликда, бўҳтон, миш-мишлар тарқатганликда айбланган. Отувга ҳукм этилган.

Азизов Паттоҳ — 1900 йили Новкат қишлоғида туғилган. Савдогар оиласидан. “Миллий иттиҳод” аксилнқилобий ташиклотининг аъзоси. Аксил-инқилобий ташиклотнинг муросаатларини аҳоли орасида тарқатганликда, ғалаёнларда иштирок этганликда, аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. Меҳнат тузатув лагерида 10 йил қамок жазосини ўташга ҳукм этилган.

Нусратов Зокиржон — (Нусратий Зокир) 1897 йил туғилган, Андижон шаҳридан, савдогар оиласидан. “Миллий иттиҳод”га аъзо бўлган, Маҳкам қўрбоши тўдасида фаол иштирок этган. 1927 йили аксилнқилобий фаолияти учун 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Қамоққа олиниш пайтида колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаган.

Совет ҳокимияти олиб борган тадбирларга қарши норозилик билдирган, “халқ душманлари”нинг қамоққа олинишига қарши аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Сайфиев Салаҳ — 1897 йили Андижон шаҳрида савдогар оиласида туғилган. “Миллий иттиҳод” аъзоси сифатида тарғиботчи вазифасини бажарган. 1919 йили босмачилар тўдасига қўшилиб, қўлида қурол билан курашган. Бунинг учун аввал отувга ҳукм этилган, лекин бу ҳукм 5 йил озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган. Қамоққа олиш вақтида Андижон шаҳар театрида артист бўлиб хизмат қилган. Ўзининг аксилнқилобий қарашларини пьесалари ва шьерларида акс эттирган.

Мўминов Самандарбой — 1876 йили Панжикент райони Пархат қишлоғида туғилган. Савдогар бўлган, ҳўжалиғи 1925 йили ер-сув исплохоти даврида тугатилган. “Шўрон Ислом” ва “Миллий иттиҳод” ташиклотлари аъзоси. У мажзур ташиклотларга молиявий қўмак бериб турган. 1927 йили молия ташкилотларидаги зарарқунданчилиғи учун 6 йил 6 ойга озодликдан маҳрум этилган. 1937 йили аксилнқилобий фаолияти учун қамоққа олинган, 2 йил 6 ой қамоқда сақланган. Ҳибсга олинган пайтда “Новая сила” артелида хизмат қилган. Совет ҳокимиятига қарши аксилнқилобий йиғинлар иштирокчиси сифатида, Совет ҳукуматининг тадбирларига ҳамман кўзи билан қараганликда, аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда.)



МУЖДА

“ВАТАН МАНЗУМАСИ” ДАВОМ ЭТАДИ

“Парчагина булут, чексиз ос(и)мон, Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл”ни кўп соғинаман. Қаҳрамон шоиримиз тасвирлаган манзара мен туғилган қишлоққа жуда ҳам ўхшайди. Шунинг учунми, билмадим, шу шеър бўлакча таъсир қилган. Шу шеър бор китоб жавонимнинг кўл етар жойида турибди. Ҳар гал китобга кўзим тушганда, шу шеърни топиб ўқийман. Кўп вақт ўқимай қўйсам, соғинаман.

Одам баъзан “Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим... Одамийлик дини бирла тоза иймон ўзбегим”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “О, ота маконим, онажон улкам” сингари ватан, ватанпарварлик ифодаланган сатрларни ҳам соғиниб қоларкан.

Она ватан мадҳ этилган шеър-қўшиқларни соғиниб қолган битта мемни, деб юрсам, “Ватан манзумаси”дан сўнг билдимки, бутун халқимиз бундай қуй-қўшиқларни, шеърларни соғинган экан. Республикаимиз бўйлаб ўтказилган бу муҳташам маърифий концерт элимининг соғинчига, кўнгил эҳтиёжига малҳам бўлди гўё. Бугунги дунё ва унда кечаётган олағовур ҳаёт ҳам бундай шеърларга, қуй-қўшиқларга эҳтиёж борлигини, кучайганини кўрсатди. Миллий дардқаш шоиримиз Чўлпон бежиз “Адабиёт яшаса, миллат яшар”, деган хулосага келмаган экан.

Ўтган йили ҳарбий хизматчилар ва ёшларимизнинг юксак ватанпарварлик туйғусини, жанговар руҳини қамол топтириш мақсадида бутун мамлакатимиз бўйлаб “Ватан манзумаси” номли адабий-маърифий кечалар ўтказилганини яхши эсласангиз керак. Маърифий кеча Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилганди. Дастур Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган янгича ислохотлар туфайли юртимизда шаклланган “Халқ билан армия — бир тану бир жон” деган эзгу анъанани, айниқса, ижодкорлар ва ҳарбий хизматчилар орасида яқдиллиқни янада мустаҳкамлаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган эди.

— Мамлакатимиздаги тинч ва осойишта ҳаёт, ижтимоий барқарорлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатли бўлиш олий қадрият экани ушбу ёрқин шеърини-муслиқни дастур орқали яна бир қарра ўз ифодасини топди. Юртимиздаги тинчлик ва тотувлиқни, ахиллик ва ҳамжиҳатлиқни кўз қорачигидек асраб-авайлаш нафақат ҳарбий соҳа вакилла-

ри, балки барча ҳамюртларимиз, айниқса, ёшларнинг муқаддас бурчи экани ранг-баранг муслиқий чиқишлар воситасида намойиш қилинди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳарбий-ватанпарварлик бўлими бошлиғи Маъмура Зоҳидова.

Ушбу адабий кеча дастлаб 26 январь куни пойтахт-тимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида намойиш этилган бўлса, кейинги кунларда “Туркистон” санъат саройида 12 кун давомида намойиш этилди. Республикаимизнинг барча ҳудудларида.ю Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят марказларида санъат ва маданият уйлари, драма театр биноларида уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳар бир ҳудудда маҳаллий ижодкорлар — истеъдодли шоирлар ва хонандалар ўз ижод намуналари билан иштирок этди. Ўзбек адабиёти намояндалари Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирӣ, Мунаввар қори, Абдулҳамид Чўлпон, шунингдек,



кўплаб марҳум ижодкорлар: Рауф Парфи, Шафот Раҳматуллаев, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Азим Суюн, Энахон Сиддиқова каби шоирларнинг таъсирчан шеърлари ёд ўқилди. Ёш ижодкорларнинг ватанпарварлик руҳидаги шеърлари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, ҳар гал йилгиланларнинг барчаси таниқли саъяткорлар билан бирга ватан мадҳига жўр бўл-



ганларини қўрқди. Эл суйган санъаткорлар, шоирлар, ёзувчилар иштирокидаги бир-биридан мазмунли ва қизиқарли чиқишларда Ватан ҳимояси йўлида жонини аямаган тарихий шахслар ва улар изидан бориб юрт сарҳадлари дахлсизлиги учун кечган жангларда ҳалок бўлган бугуннинг мардлари мадҳ этилганда ҳеч бир томошабин “томошабин” бўлиб қолмагани, қўшиқларга жўр бўлиб, шеърларни бирга айтиб, чиқишларни уринларидан туриб тинглаганлари, айниқса, кишини тўлқинлантириб юборди.

“Бўлар экан-ку шундай кечалар ўтказса ҳам!” — дея самимий қутлаган юртдошларимиз кўп бўлди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, бўлар экан-ку!

Ватанга муҳаббат, эл-халққа қайишлиш, туғилган юртни асраб-авайлаш каби юксак инсоний туйғулар, аслида, ҳамманинг юрагида бор. Фақат буни ҳамма ҳам очик-ошкор изҳор қилавермас экан, эпини топиб изҳор қилиш ҳам мушкул экан, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас экан. Лекин, энг муҳими, ҳар биримизнинг ичимизда бир Ватан яшар экан. Ана шу Ватан “Манзума” давомида бўй кўрсатди, пинҳон туйғуларни табассум ва кўзёш шаклида намоеън этди. Ҳеч кимга бегона бўлмаган соф ва юксак туйғу — Ватанни севиш ва ватанпарварлик ҳеч бир кишининг касбига ҳам, қорига ҳам алоқаси йўқ, ҳаммада бирдек мужассам эканлигини рўйирут исботлаб берди.

Ҳарбий ватанпарварлик нима эканини кўз олдимизга келтириш қийин эмас. Ҳарбий бўлмаган кишилардаги ватанпарварлик-чи? У қандай намоеън бўлади?

Мансур ЖУМАЕВ

ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА

МИРЗО ҚЎҚОНБОЙ КИМ ЭДИ?

Жадидлик ҳаракати фаолларидан бири Мирзо Қўқонбой (Абдулҳақ Мирзо Қўқонбой Абдуҳолиқов) ҳақида бугун кенг жамоатчиликка кўп нарсга маълум эмас. Аммо унинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, маориф ва ҳуқуқ-тартибот тизимига қўшган ҳиссаси салмоқли.

Мирзо Қўқонбой 1869 йил 10 сентябрда Қўқон шаҳрида самарқандлик савдогар оиласида туғилган. Бу оила Самарқандга 1873 йилда қайтиб келишганида, болага Мирзо Қўқонбой лақаби тиркалган эди. Кейинчалик бу лақаб унинг адабий тахаллуси бўлиб қолди.

Бўлажак адиб ва ҳуқуқшунос Самарқанд мадрасасида таҳсил олади. 1891 йилда Россияга борган Мирзо Қўқонбой рус тилини, ҳуқуқшунослик соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини ўрганади. Кейин бир муддат давлат идораларида таржимон, ҳуқуқшунос бўлиб ишлайди.

Ўтган асрнинг XX йилларида юзага келган жадидлик ҳаракатига қўшилиб, Маҳмуд-хўжа Бехбудий, Чўлпон, Мунаввар қори Абдурашидхонов каби миллат ойдинлари билан яқин мулоқотда бўлади. Ўзи ҳам миллий адабиётимизда юзага келган янгича йўналишда асарлар ёза бошлайди.

Фаолияти давомида қоризм ва мустамлакачилик сиёсатининг Туркистон халқларига нисбатан ёндашуви билан танишади. 1916 йилда Россия ҳукумати томонидан Жиззах қўзғолони иштирокчилари устидан ўтказилган суд жараёнига таржимон сифатида жалб қилинади. Абдуҳолиқов қўзғолончиларни ҳимоя қилиб, Россияга оид ҳуқуқшунослик бўйича ўз билимларидан фойдаланган ҳолда 30 нафар Жиззахликнинг ҳаётини сақлаб қолади. Унинг ана шу суд жараёнидаги иштироки, шахсий қузуатувлари “Жиззах қўзғолони” номли ҳужжатли қиссасидан ҳам ўрин олган.

Мирзо Қўқонбой Совет ҳукуматининг илк даврида — 1924 йилда ҳуқуқшунослик бўйича мутахассис сифатида большевиклар томонидан Зарафшон ўлкасига катта суд терговчиси этиб тайинланади ва Бухорога қўчиб ўтади. У ерда ҳам адлия ишини давом эттиради. 1927 йилгача Халқ Комиссарлигида алоҳида ишлар бўйича терговчи ва айни пайтда давлат нашриётининг Самарқанд бўлимида таржимон лавозимида ҳам фаолият кўрсатади.

Мирзо Қўқонбой нафақага чиққач, асосан, бадий ижод билан шуғулланган. “Тоғ қизи”,



“Истадждон”, “Қамчидан қон томганди”, “Намоз” сингари асарларини ёзади. Миллий руҳдаги қарашлари, Туркистондаги озодлик ҳаракатларига хайрхолиғи учун таъқиб остига олинади, қатагон йиллари бир неча бор қамалиб, қамоқ муддатини ўтаб чиқади.

Умрининг сўнгги йилларини она шаҳри Самарқандда ўтказган Мирзо Қўқонбой 1948 йилда вафот этган.

Муҳтарам “Jadid” газетаси ўқувчиларига унинг “Жиззах қўзғолони” асаридан айрим саҳифаларни тақдим этамиз.

ТАҲРИРИЯТ

СЎЗ БОШИ

Мазкур асарда муаллиф ўзи кўрган ва гувоҳи бўлган воқеаларни қаламга олмоқда. Матбуот мустабид тузумнинг қўлида бўлганлиги боис Жиззах қўзғолонига доир ҳужжатлар, айрим маълумотлар сақланиб қолмаган. Зеро, бу воқеаларни вақтли матбуот саҳифаларида чоп этишининг иложи ҳам йўқ эди.

1917 йилда инқилоб содир бўлиб, инқилобдан кейин ўз берган “Туркистон мухторияти” билан боғлиқ миллий ҳаракатлар Жиззах воқеаларини бир қадар унуттишга мажбур қилди. Сиёсий бўҳронлар ичида қолган кишилар ўз-ўзлари билан андармон бўлиб қолдилар.

Тўғри, инқилобдан кейин Жиззах қўзғолонига доир баъзи бир мақолалар ёзилган бўлса ҳам, лекин улар умумий характерда бўлиб, қуракда турадиган аниқ бир гап йўқ эди.

Албатта, қора кунларни бошдан кечирган одамлар инқилоб арафасида кўп эди, улар ҳозир ҳам топилади. Бироқ кўпчилик саводсиз бўлгани сабаб бу қирғиннинг миқёси ва қўламини унча яхши англамаганлар. Жиззах қўзғолонига гувоҳ бўлганлар



ҳам ўз бошларидан кечган айрим воқеаларнигина айтиб беришлари мумкин, холос. Демак, масаланинг асл моҳияти ҳали-ҳануз очилмай, сирлигича қолмоқда. Жиззах қўзғолонида бевосита иштирок этган накуртлик Барот Қўчқоров бу асардаги фактларнинг аниқлигига гувоҳлик беради. Бугунги кунда Тошкентда яшаётган ўртоқ Қўчқоров тарихчиларга ўша давр воқелигига доир янги материаллар, фактлар, далиллар тақдим этиши мумкин, деб ўйлайман.

1916 ЙИЛГИ ЖИЗЗАХ ВОҚЕАЛАРИ

1917 йилги октябрь инқилоби подшолик даври тартиботи, маъмурияти ва мансаблар тартиботи билан бирга ватан мадҳига жўр бўл-

ташлади. Орадан унча катта фурсат ўтмаган бўлса-да, яъни ун тўққиз йил давомида ўша давр атама ва номларидан ҳеч бир нишон қолмади. Бугун уезд ёки бўлис ва бошқалар, шунингдек, мансабларнинг номланиши ва мансабдорларнинг вазифаларини тузукроқ биладиган бирор-бир кишини топиш амримас.

1916 йилги Жиззах воқеалари жараёнида ўша мансабдорлар иштирок этганлар ва уларнинг мансабларини ёзиш зарурияти сезилаётгани боис собиқ Туркистон маъмуриятидаги мансаблар тақсимоти тартибига изоҳ бериш лозим. Зотан, ушбу битикларни ўқиётганлар бу қанақа лавозиму мансаб бўлди деб ҳайрон бўлмасин.

Туркистон Русия подшолиги томонидан

истило этилгач, “Туркистанский край” (яъни музофот) деб атала бошланди. Музофотни идора қилиш учун подшоҳ томонидан генерал-губернатор тайинланиб, у подшо номидан Туркистонни бошқарди. Туркистон аҳли уни ўша пайтлар “ярим подшо” дейишарди. Пойтахт Тошкент эди.

Бу “Туркистанский край” ўн беш вилоят ва бир неча округ ё шўъбага бўлиниб, бу вилоят ҳарбий губернатор томонидан идора қилинарди. Бу вилоятлар: Сирдарё, Семиречинский (Еттисув), Фаргона, Самарқанд, Закаспийский ва Амударё шўъбаларида иборат эди. Ҳар бир вилоят 4-5 уездга бўлиниб, уездлар начальник ёки уезд ҳокимлари томонидан бошқариларди. Уездлар ҳам ўз навбатида 4-5 участкага бўлинар ва участковой пристуфга бўйсунарди. Участкалар эса 6-8 вулусга тақсимланиб, уларни бошқариш Волосной управителлар зиммасида эди. Маҳаллий аҳоли бу волоснойларни мингбоши ҳам дер эдилар. Ҳар бир вулус эса 7-8 та “Сельское общество” ёки даҳага бўлиниб, улар истаршина ё даҳа оқсоқоли томонидан бошқариларди. Сельское общество 10-15 қишлоқдан таркиб топар ва ҳар 50 хонадонга элликбоши тайинланар ва ҳар бир вулусда народный суд (қози) иш олиб борарди. Кейинги пайтларда ҳарбийлардан иборат охрана ҳам пайдо бўлган эди...

маъноси шунда эдики, ҳар бир вулус ўзича мустақил бўлсин, бошқасига алоқадор бўлмасин, асосийси, ихтилоф келтириб чиқарадиган бирор-бир сабабга ўрин қолмасин. Шу тарика ҳар бир вулус ўзига хос феодал бир ҳукумат эди.

ҚЎЗҒОЛОН САБАБЛАРИ

Қўзғолоннинг сабаблари кўп, лекин бу ўринда уларнинг барини баён қилиб бўлмайди. Шу боис энг муҳим ва зарур сабабларгагина тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Чор Россиясининг Туркистонни забт этиш баҳоналаридан бири шунда эдики, гўёки туркистонликлар “ваҳший” ёки “ярим ваҳший” халқ бўлиб, Россия ҳудудларига доим босқин уюштириб келганлар. Бинобарин, уларни “маданиятли” қилиш миссияси ҳамда Россия чегаралари дахлсизлигини таъминлаш учун Туркистонга юришга мажбурийат сезган эканлар. Ҳар ҳолда Россия подшоши Пётр I нинг машҳур васиятига амал қилиб, Туркистонни босиб олди. Қўқон хонлигини бутунлай йўқотиб, Бухоро амрлиги ва Хива хонлигини асоратга солди. Улар номигагина “мустақил” ва “хон” бўлиб, аслида эса оқ подшога тобе ва қарам эдилар.

Истилодан асосий мақсад бепоён Туркистон ерларини эгаллаш, тўб жой аҳолисини йўқ қилиш эъзизига бўлса ҳам ўз фуқароларини кўчириб келишдан ва ўтроқлаштиришдан иборат эди.

Мирзо Қўқонбой АБДУХОЛИҚОВ

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy fahrlilik yozma

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИМИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИБош муҳаррир:
Иқбол МирзоБош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн АкбаровНавбатчи муҳаррир:
Муҳайё ПирнафасоваСаҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора ТошеваМуаллиф фикри тахририят
нуқтаи назаридан
фарқланмиши мумкин.Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади — 4583

Лотин ёзувидаги адади — 11841

Буюртма: Г — 240

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навой кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgt@mail.ru (71) 203-24-17“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 19:10

Сотувда нархи эркин.



(Давоми келгуси сонда.)